

42 (936) сон

8 — 14 октябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

2



**КОНИМЕХЛИК
ГИМНАСТИКАЧИ**

4

**ЭРНИ ЭР
ҚИЛИНГ!**



13



**«ЎНТА БЎЛСА
ЎРНИ БОШҚА»
деймизу, аммо...**

**“ТОРМОЗИМ
ИШЛАМАЯПТИ,
ҚОЧИНГЛАР!”**



16



Турдиқул Норматов
сурат-эвҳаси

*Бошингда дарёдек мавжланган рўмол...
Шамол қулогидан тортар барглари.
Шамол, учиролмай дилгирдир шамол —
Рўмолингга қўнган капалакларни...*

КЕЧА:

è Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

è Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмиталари томонидан “ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари” мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

БУГУН:

è Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида очилган “Uzmedexpo-2009” иккинчи ихтисослашган халқаро тиббиёт кўргазмаси давом этмоқда.

è ...миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг нигоҳи экранлардан, диққат-эътибори эса радио ва интернет алоқаларидан узилди: аввалига миллий терма жамоамиз ишончимизни сўндирган бўлса, сўнгги умидимиз чироғи — ёшларимизнинг ҳам Мисрдаги сафари эрта “қариди”. “Бунёдкор”, “Нефтчи”, “Пахтакор”нинг бу қутилмаган (“қутилган” десак, балки хато бўлар?!), мағлубиятларини таҳлил этиш вақти келди!

ЭРТАГА:

è 14-15 октябрь кунлари Тошкентда Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Муаллим ўқувчига намуна бўлмаса...	3
Қиз боланинг шаъни нимада?	5
Онангизни алиштирманг шаҳарларга!	6
Чекадиган ўсмирнинг хатоси қаерда?	7
Теледастурлар	8-10
Эртақ айтиш пулликми?	11
Ибн Синонинг «Юрак дорилари»	13
Доллар деса, довдираган аёллар	14
Уч кунлик бева	15
Қирқдан кейин... ёр излаганлар	16

“ОБУНА — 2010”

Муҳтарам муштарий!

Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улурроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176
Ташкилотларга — 177



Мухлисларимизнинг ёдида бўлса, газетамизнинг аввалги сонларида кийиниш маданияти, унга ёшларнинг муносабати, фарбга тақлидан либос танлашнинг одоб-ахлоқ мезонларига зиддиги хусусида мақолалар, мулоҳазали материаллар эълон қилган эдик.

Кўпчилики ўйлангиратган ушбу долзарб мавзуда тахририятга жуда кўп кўнғироқлар бўлди, мактублар келди, оғзаки тақлифлар, фикрлар билдирилди. Шу сабабли бу ҳақдаги айрим кузатувларни яна эътиборингизга ҳавола этиялмиз.

Азизахон АБДУРАЗЗОҚОВА,
Поп туманидаги Найман МФЙ
маслаҳатчиси:

— Яқинда кўшни қишлоқдаги ҳонадонга кўш келин тушди. Икки бола-си бир йўла тўрттага кўпаяётган хо-

нишни одат қилган катта келинга эса...

Бу борада кимнидир оқлаб, кимнингдир шаънини ерга урмоқчи эмасмиз, асло. Бироқ ўзликни англаш — бахт калити экани, аёл деган номни энг аввало, ибодат, ан-

ЛИБОСЛАРДА МИЛЛИЙЛИК АКСИ

надон соҳибларига ҳамма ҳавас назари билан боқди. Оқшом чоғи тўйхонага тумонат одам йиғилди. Ҳамма келин-куёвларнинг даврага чиқишларини орзиқиб кутишарди.

Ниҳоят, улар бир-бир кириб келишди. Кириб келишлари билан хотин-қизлар, ҳатто эркаклар орасида ҳам шивир-шивир бошланиб кетди. Нега дейсизми?

Негаки, келинчакларнинг бири елкалари очик, европача услубда тикилган оқ «фата»да, бири эса ним пушти узун адрас кўйлак ва зар нимчада эди. Биринчисининг сочи сўнгги урфда турмакланган, адашмасак, шаҳарда фалон минг сўм эвазига шундай кўринишга келган. Иккинчисининг зулфи кўйлаклари этаги билан баробар, майда қилиб ўрилган, «оқ пар» дўппи устидан ташланган нафис рўмол уни эртақлардаги маликалар каби сирли, гўзал, жозибали қилиб кўрсатарди.

Базм тугагунга қадар бу икки келин тўғрисидаги бахслар тўхтамади. Фикрлар нечоғли хилма-хил бўлмасин, мени миллий либосдаги келинчакни мақтаганлар сони кўплиги қувонтирди.

Тўғри, умринг энг унутилмас лаҳзаларида, оила остонаси сари кўйилган илк қадам чоғида қизлар ҳаммадан чиройли бўлишни исташади. Отаналар ҳам айни чоғда уларнинг қандай тилаги бўлса, бажаришади. Лекин...

Ҳа, дарвоқе, кейинроқ эшитишимизча, кўш келинга қайнотанинг муносабати икки хил эмиш. Ҳақиқий ўзбек аёли тимсолини ўзида муккас-сат этолган кенжа келинни гоят хурмат қилармиш. Сўнгги урфда кийи-



дишали бўлиш туфайли оқлаш лозимлигини таъкидламоқчимиз, холос. Ахир либосларда миллат акси намоён бўлади.

Гулбахор МАМАТКУЛОВА, Норин тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси:

— Кийиниш ҳақида гап кетганда, беихтиёр кўча-кўйда, айниканда, шаҳарда нигоҳларимиз ўрганиб кетган айрим кўринишлар кўз олдимизга келади. Ана, бир отанинг ёнида ўғли кетиб бораёпти. 16-17 ёшлар чамасидаги ўспиринг энгисиз майка ва шортикда! Нарирокда яна бир аёл... У ҳам оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратадиган ёшда. Уни кўлтиклаб олган буй қизининг юрганга беллари очилиб кетаяпти, «мини» юбкаси тиззасидан бир қарич юқорида!

Айтинг, бундай ҳолда ота-она

✓ МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

фарзандига танбех бермаса ким беради?

Гулзода Ҳамроева, Учкўрғон тумани, уй бекаси:

— Бир кўшнимиз бор эди. Вафот этганига ўн йиллар бўлди. Катта қизини пойтахтда дўхтирликка ўқитгунча анча кийналди. Тўнғичимнинг нони бутун бўлсин, менидан кейин (турмуш ўртоғи анча эрта қазо қилганда) укаларига бош бўлсин, деган ниёт билан уни ҳеч нимадан зориктирмади. Кундузлари далада кетмон чопса, кечалари палак, қуроқ ёстик тикарди. Топганининг чорагини кичкиналарига сарфласа, тўртдан уч қисмини қизига обдорарди.

Волидининг бу меҳрибонлигига жавобан қиз нима қилди — ўқишни битирган йили сочлари кесилган, алламбало кийимлар кийган ҳолда уйига кириб келди. Қилиқлари ҳам кийимига яраша эди. Она куйди-ёнди, дийдасини қаттиқ қилганча, боласидан юз ўғирди. Йўқ, қизнинг кўкрагидан итармади, кўчага қувиб солмади, ишлашига қаршилик қилмади. Узатди. Аммо қизидан норизо ҳолда кўз юмди. Юрагидаги оғриққа то ўлгунча малҳам тополмади. Уша қиз... ҳозир ҳам бахтли эмас. У тенгилар келин кўряпти, қиз узатаяпти. У эса ҳамон тиниб-тиничмаган.

Муножотхон Отамирзаева, Уйчи туманидаги 27-болалар боғчаси мудараси:

— Кийинишда миллийликни сақлаб қолиш, уни замонавийлик билан уйғун ҳолда танлаш ҳам осон эмас. Кейинги пайтда айрим хотин-қизларимизнинг юз-кўзларини рўмол билан тўсиб, гўёки Арабистон ёхуд покистонлик аёллар каби кўринишга эга бўлиб бораётганлари ачинарли. Бу аёллар эҳтимол, ўзларини бегона кўзлардан, қарашлардан пана қилгиси келар. Аммо бундай либос кийиб, ҳаммадан ўзгача бўлиб, барчанинг эътиборини ўзига жалб этishi тўғримики?

Бир куни шундай аёлни учратдим. Ўзи қолиб, ёнидаги икки-икки айрим яшар қизалогини ҳам ўраб-чирмаб қўйибди. Қизча рўмол ва узун либосларда ўзини жудаям ноқулай ҳис этипти. Бу нима? Ахир у ҳали гўдак-ку!? Болалиқнинг бегубор чоғларини ўйнаб-қулиб, эркин ўтказишга ҳақли эмасми? Шундай тинч, осуда ҳаётда она уни нимадан асрамоқчи ўзи?

Киямиз десак, қандай гўзал, дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган миллий либосларимиз бор. Улар замонавий бичимдаги шаклда янада кўркем кўринади. Мухими, кийимларимизда ҳам миллийлик, ҳам замонавийлик уйғун бўлиши керак.

Ш. ТОШБЕКОВА ёзиб олди.
«Оила ва жамият» мухбири.
Наманган вилояти.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

“ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ” АНИҚЛАНДИ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Ҳуқуқ билимдонлари” деб номланган танловнинг ҳал қилувчи — республика босқичи Самарқанд шаҳрида яқунланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимизга оид билимларини ҳудудий босқичларда муваффақиятли намойиш этган Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган ва Тошкент шаҳрининг коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасидаги беллашув ўзига хос синовга айланди.

Асосий ғолиблик ушбу ажойиб танловга мезбонлик қилган Самарқанднинг “Фемиди” ва Наманганнинг “Ёш сенаторлар” жамоаларига насиб этган бўлса, қолган ўринларни пойтахтлик “Ёш ҳуқуқшунослар” ва Бухоронинг “Ифтихор” жамоаси эгаллади.

(Ўз мухбиримиз)

«ТАБАССУМ» СЕМИНАРИ ЯҚУНЛАНДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, республика “Болалар” жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмағида ишлаб чиқилган ногирон болаларни реабилитация қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Табассум” лойиҳаси доирасида 15 сентябрь - 3 октябрь кунлари ўтказилган семинар-тренинг ниҳоясига етди. Унда бевосита ота-оналар, Мурувват уйлари тарбиячи мутахассислари, маҳалла кўмиталари вакиллари қатнашдилар.

Хуллас, бундай фойдали тадбирларни оилавий поликлиникалар, олий ўқув юртли, қолаверса, маҳалла-қўйларда ҳам ўтказиш яқини самара бериши алоҳида таъкидланди.

Шаҳноза РОФИЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ — ЛИЦЕЙДА

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ФХД бўлими ҳузуридаги “Ёш оила қурувчилар мактаби”нинг учинчи ўқув йилига режалаштирилган биринчи машғулот Педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ўтказилди.

— Бу машғулот мавзусини “Оила — жамият таянчи” деб бежизга танламадик, — дейди туман ФХД бўлими мудараси Марҳамат Юлдашева. — Чунки бугунги лицей ўқувчиси эртага талаба бўлади, кейин эса катта ҳаётга қадам қўяди. Бу босқичларда улар дуч келади турли хил муаммолар, шу жумладан, балоғат ёши, камолот пиллаояларидаги кескин ўзгаришларни енигиши, ижобий ҳал этишида биз катталар кўмак беришимиз керак. Шу боис бундай суҳбат-учрашувларнинг ўрни беқийсдир.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Оила” марказининг туман бўлими мутахассислари мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш, воғга етказиш, шунингдек, ёш оилаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган қарор ва қонунларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти хусусида ўқувчиларга кенг тушунтириш бердилар.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
“Оила ва жамият” мухбири.

ТИББИЙ КЎРИК КЎПГА КЕЛГАН...

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўрганиб қолганимиз учунми, ёки бўлмаса маҳалла-кўйда истихоло қиламасми, хуллас, лоақал йилда бир мартагина тиббий кўриқдан ўтишга ҳеч ҳафсала қилмаймиз. Аксинча, тўй-томоша, гап-гаштакчага вақт топамиз. Лекин сал тобимиз қочса, шифокорга югураемиз. Хар қандай касални ҳам олдини олиш хайрли эканлигини биламиз, афсуски...

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш доирасида бу муҳим ҳужжатларнинг

мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича Самарқанд шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам ибратлидир.

— Юртбошимизнинг хар иккала қарориди ҳам бевосита халқимизнинг сиҳат-саломатлигини хар томонлама муҳофаза қилиш бизнинг мамлакатимизда энг асосий масалалардан бири эканлигига алоҳида ургу берилган, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳикоят РАҲМАТОВА. — Шу боис қадим ва ҳамisha навқирон шаҳримизда яшаётган аҳоли орасида айнан ана шу долзарб мавзуда қилиш кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёғимиз. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг вилоят бўлими, халқ таълими, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ЕИҲ ва бошқа қатор нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу дастуриламал вазифасини ўтовчи ҳужжатларда белгилан берилган

муҳим мақсадларни амалга ошириш борасида махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Албатта, кўмита томонидан уюштирилаётган барча учрашув, юзма-юз мулоқотларда энг аввало инсоннинг саломатлиги хар қандай бойлиқдан устун эканлиги, қолаверса, “соғлом оила — соғлом она — соғлом бола” шиори остида хар бир ҳонадон, хар бир маҳаллада бўлиб, тиббий кўрик, соғлом турмуш тарзи ҳамда оналик ва болалиқни хар тарафлама муҳофаза қилиш бўйича керакли маслаҳат, ёрдамлар берилмоқда.

Баҳодир ҲАМРОҚУЛОВ

Ушбу раис остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

«Инсон ҳаёти кун кўриш учун эмас, балки яшаш учун берилган. «Мен яша-япман» дейиш учун эса бизнинг кеча-кунимиздан кўра муамму-моҳияти бойроқ, яхшилик ва эзгуликка ҳамроҳлиги кўпроқ бўлиши керак».

Шарифа Қобулова бу гапларни фалсафа деб эмас жуда оддийгина қилиб айтиди. Ва суҳбатимиз давомида англадикки, унинг бундай чиройли хулосалари, тарбиявий аҳамиятга молик фикрлари оз эмас экан. У раҳбарлик қилаётган Андижон шаҳридаги 30-умумтаълим мактабининг вилоятдаги энг намунали мактаб деб топилгани, у ерда таҳсил олаётган ўқувчилар атроф худудидангина эмас, балки шаҳарнинг турли жойларидан ҳам эканлиги бежиз эмас. Фарзанднинг таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган, кучли мактабда ўқишни истаб, унинг ҳужжатларини шу ерга олиб келаётган ота оналар анчагина. Бугун бу даргоҳда 1866 нафар ўқувчи бор.

— Мактаб ўқувчи билан обод-да. Кеч-гача бу маскандан устоз ҳам, шогирд ҳам аримайди. Кунлик давомот ҳам ҳаминча балан кўрсаткичда. Бу энди яхши илм олишнинг энг биринчи зарурати, — дейди қаҳрамонимиз.

— Иккинчиси-чи, — сўрайман ундан.

— Муаллимнинг ҳар доим ўқувчига намуна бўла олиши. Шундагина бола устозга ишонади. Унга ўшагиси келади, айтганларини жон деб бажаради.

— Намуна бўлишни қандай изохлайсиз?

— Ўқувчи жуда қизиқувчан бўлади. Эшитганидан кўра, кўрганига кўпроқ ишонади. Агар чиройли насихатларни берса-гу ўзимиз амалда унинг аксини қилсак, болада бизга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Шу боис тарбиячи ўз хулқ-атвори, юриш-туруши, кийиниши, маданияти, кенг дунёқараш билан намуна бўлиши шарт. Устозлик тирикчилик манбаи эмас.

— Фан ўқитувчиларини ишга олишда эътиборни шу хулосага қаратасизми?

— Албатта. Аммо бундан ташқари қайси фан муаллими бўлишидан катъий назар, Ватанимиз, миллатимиз тарихини билишига, ҳукуратимиз олиб бораётган

сиёсатга муносабат билдиришига, бадиий муталаани яхши кўришига ҳам аҳамият бераман «Мен хоржий тил, физика ёки кимё ўқитувчисиман» деб Бобурмирзони, Абдулхамид Чўлпонни, Дуччи Эшонни билмасам, уларнинг кечмиши ва ижодидан мутлақо беҳабар бўлсам, ундай муаллимнинг гарчи дипломи бўлса-да, маълумоти олий дея олмайман...

Шарифа опа билан суҳбатлашяпману доғимандларнинг «Фикри тиниқ суҳбатдош сени бойтади» деган гапи аҳамиятига яна бир бор амин бўлдим. Унинг 35 йиллик педагогик, йигирма йиллик раҳ-

барлик фаолиятлари, минглаб шогирдларга чин устоз бўлгани туфайли ҳам бугун 30-сонли умумтаълим даргоҳи деса ҳамма энг намунали мактабни тушунади. Опанинг Андижон шаҳар халқ таълими бўлими директорлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси эканлиги ҳам бежиз эмас.

УСТОЗЛИК ШАРАФИ

Мактаб ўқувчиларининг республика миқёсидаги «Яшил чироқ» кўрик-танловида голиб чиққанлигини у киши шундай шарҳлайди:

— Мактабимиз Андижон шаҳрининг марказида, айнан Навоий номли истироҳат боғи ёнидаги жуда гавжум чорраҳада жойлашган. Демак, болалар йўл ҳаракати қоидаларини яхши билиши шарт. Шунданми, биз танлов учунгина эмас, балки ўз эҳтиёжимиз учун ҳам бунга ҳаминча эътибор берамиз. Тарбиявий соатларда 10-15 дақиқа бўлса-да, бу ҳақда болага тушунча берамиз. Болани синаб кўрамиз. Қарабсизки, голибликка тайёрмиз. Фан олимпиадаларига ҳам худди шу йўсинда ҳозирлик кўрамиз. Фақат кўрик-танлов ёки олимпиада голиблиги эмас, бизга ўқувчиларимизнинг билими бўлиб улғайиши ҳам зарурат-ку!

Опа ҳақ, Мактабда ҳозирги кунда 50 та фан тўғрақлари ишлаб турибди. Уларни ҳар бир ўқитувчи худди одатий дарс-

дай бошқаради. 82 нафар ўқитувчининг 40 фоизини ёшлар ташкил қилиши ва улар опани устоз деб билиши раҳбарнинг ёшларга қандай муносабатда эканидан далolat. Мактаб жамоаси бир неча нуфузли танловларнинг таълим грантларида голиб чиққан.

Бугунги кунда мактабга кирсангиз кўзингиз қувнайд. 2006 йилда Давлат дастурига асосан капитал реконструкция қилинган, фан кабинетлари мукамал жиҳозланди. Мактаб ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам мактабни ўз уйидай, унинг жиҳозларини ўз мулкидай билиб, асраб



авайлашга ўргангани учунми, худди кеча таъмирдан чиққандай кўринади.

Шарифа опа бугунги технологик тараққётдан хурсанд бўлгани холда ўқувчиларни бу қадар кўп ахборотлар (компьютер ўйинлари, тайёр дисклар, калькуляторлар, телекўрсатувлар) фикрлаш бобидан дангас қилиб қўйишнинг олдини олишга ҳаминча ҳаракат қилади. Ҳар бир дарсга кирганида болаларнинг хотира машқларини бир неча хил йўналишда синаб кўришга одатланган. Ота-оналардан ҳам бунга бефарқ бўлмасликларини сўрайди.

Ўқитувчилар билан муносабатда эса доим уларнинг фикрини эшитишга ҳаракат қилади. Оилавий шароити, ишлаш, излашни имкониятлари билан қизиқди. Раҳбар бўлибгина эмас, ўзини сирдош, ҳамдард дўстдай тутди. Комилахон Усмонова, Одинахон Мирзаулугова, Дилдорахон Рўзиматова, Эльминас Шукурова, Комила Олимжоннова, Абдурашид Ан-

ЎТАНГДАЙ УЛУГ

наев, Альфия Кастакаева, Мунаввархон Ниёзова каби жуда кўп ўқитувчилар опани чин устоз сифатида эъзозлайдилар. Чунки Шарифахон Қобулова ёш муаллимлар учун «Шу куннинг ўқитувчиси қандай бўлмоғи керак?», «Мактаб маънавият бешиги», «Тарбияда экологик таълим», «Табиятни асраб авайлашга ўргатишда оила ва мактаб ҳамкорлиги», «Тарбиянинг икки бўғини» каби узоқ йиллик тажрибалари асосида ёзилган мақолаларни қўлланма сифатида чоп этган. Мактабда ташкил қилинган радиоэвтен орқали душанба ва шанба кунлари бериладиган бир соатлик эшитиришлар ҳам бир сабоқдай янграйди.

Мен бу фидойи муаллимдан «мактаб катта, раҳбарлик юмушларингиз кўп, жамоат ишлари ҳам етарлича экан, буёғи оила... Лекин ҳамон дарс ўтишни қанда қўлаётганингиз боиси не?» деб сўраганимда, у «Биринчидан, химия мен учун энг қадрдон фан, дарс бермасам ундан узоқлашиб қоладигандай сезаман. Иккинчидан, ўқув жараёнидаги муаммоларни ҳал қилишга қийналаман деб ўйлайман. Ахир мактабдаги ҳар бир ўқитувчи оилани, бола-чақали, уларнинг ҳам ўз тирикчилиги бор. Шуларни қадрлашим, бугунги машқатларини ҳис қилишим, тушунишим, ёки улардан бурчларини аъло бажаришни талаб қилишим учун дарс ўтиш жараёнидан узилиб қолмаслигим керак».

Шарифахон тажрибали директор, жонқуяр муаллимгина эмас, балки садокатли оила бекаси, меҳрибон она, яхши қайнона ҳам. Ўғли Санжарбек — иқтисодчи. Яхши мутахассис сифатида аввал Францияда, кейин Америкада малака ошириб келган. Катта қизи Шаҳнозахон шифокор. Ҳозир магистратурада таҳсил кўраётди. Кенжаси Ферузахон эса чет тили муаллимаси. Учалови ҳам ўз оиласида бахтли. Иккитадан фарзанднинг ота-оналари бўлишган. Турмуш ўртоғи Равшанбек Юнусовни опа қулиб туриб «у киши менга ҳақиқий устоз» дедилар ҳазил аралаш. Унинг фикрича, мактаб муҳаддас маскан, болалар ва ҳамкасблари жондай яқинлари, оиласидегилар эса бахт ато этган азиялари.

Замира РЎЗИЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Андижон вилояти.

КОНИМЕХЛИК ГИМНАСТИКАЧИ

Хона эшиги оҳиста чертилиб, ийманибгина кириб келган қизни мактаб директори Шойим Хидиров очиқ чехра билан қаршилар экан, ўтиришга жой кўрсатди.

— Ассалому алайкум, мени сўраган экансиз, шунга келувдим, — деди истараси иссиқ, кулгичлари ўзига ярашиб турган қиз.

— Хуш келибсиз, қизим. Спортнинг баддий гимнастика тури бўйича мактабимизга мутахассис керак. Хўп десангиз, бирга ишласак. Бор маҳоратингизни кўрсатиб, қизларимизни чаққон ва эпчил бўлишларига ёрдам берасиз.

— Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, домла!..

Шу кун Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шойим Хидиров ўқув ишлари бўйича илмий бўлим мудири Динара Қодировага гимнастикачи Замира Ҳақбердиеванинг ҳужжатларини расмийлаштириб, ишга кириши ҳақида кўрсатма берди. Ушандан бўён Замира ўқувчиларга спортнинг баддий гимнастика турини мукамал ўргатапти.

...1989 йилда Навоий вилоятининг Конимех туманида шифокорлар оиласида туғилган Замира ёшлигидан спортга ҳавас қўйди. У ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари ўқитибдан бўш вақтларида болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келиб, устози Светлана Бозоровадан баддий гимнастика сирларини пухта ўрганди. Бир неча бор шаҳар, туман, вилоят биринчиликларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган Замира диплом ва медаллар соҳиби бўлди.

Онаси Умида Тоғаеванинг маслаҳати билан спорт коллежига ўқишга кирди.

СПОРТ



Синглиси Феруза ҳам спортнинг волейбол тури билан мунтазам шуғулланади. Замира ишлаётган жамоада ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда кураш, бокс, баскетбол, футбол, енгил атлетика, армрестлинг, баддий гимнастика турлари бўйича 1232 нафар мактаб ўқувчилари мунтазам шуғулланмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ёшлар ўқишдан сўнг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароит-

лар яратилган. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Навоий вилоят бўлими томонидан бокс ринг, татами, кураш гилами, бадиий гимнастикани ривожлантириш учун спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Мактабнинг спортчи мураббийлари ўқувчилар билан доимий равишда учрашувлар ўтказиб турганликлари, болалар спортини тобора оммавийлашиб бораётганлигини таъминляпти. Кураш бўйича спорт устаси, бир неча нуфузли мусобақалар совриндори Мамадали Норов, Анвар Ўроқов, Камол Исमतовлар ёшларга устозлик қилишяпти.

Айни пайтда Замира Ҳақбердиева раҳбарлик қилаётган баддий гимнастика гуруҳида 200 нафарга яқин қизлар шуғулланишяпти, 50 нафар маҳалла хотин-қизларига ҳам Замира бу нафис спорт турини ўргатмоқда. Улар мусобақаларда иштирок этиб, қатор муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Жумладан, Навоий шаҳри ва вилоят босқичларида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринларни эгалладилар. Республика босқичида эса иккинчи ўринни эгаллаб қайтишди.

— Замира нўхоятда тиришқоқ, — дейди илмий бўлим мудири Динара Қодирова. — Келгусида у етук спорт мутахассиси бўлишига ишонамиз. Унинг бевосита саъй-ҳаракати туфайли шаҳардаги 7-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам баддий гимнастика гуруҳи очилди. Бугунги кунда бу ерда 2 гуруҳдан иборат 30 нафар болаларнинг спортнинг ушбу тури билан шуғулланишмоқда. Замирадан келгусида умидимиз катта.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири. (1)

ҲАР КУНИ ТАЪЗИМДАМИЗ

Пойтахтимиздаги 219-мактабда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини ўзгача байрам кечасида устозлар тўғра ўтказилиб, шогирдлар уларни шарафладилар.

— Айниқса, мактабимизнинг 5-«А» синфида таҳсил кўраётган ўғил-қизларимиз тайёрлаган баддий чиқишлар ҳаммамизни ҳаяжонга солди, — дейди мактаб директори Нигора МИРЗАЕВА. — Барибир ҳар бир устоз ўз шогирдининг камолини кўрса, боши осмонга етади. Ўтган умри, сарфлаган меҳнати зое кетмаганидан суюнади. Биз шу кунни ана шундай улуг мартабага эга бўлган инсонларни ҳам илм даргоҳимизга чорлаб, дил изҳорларини эшитдик, дуоларини олдик.

Шу кунни ўқувчилардан бири «муҳтарам устозлар, биз катта бўлсак ҳам, кичик бўлсак ҳам сизларга ҳар кун юз бора бош эгиб таъзим этсак арзийди» дея ўз юрак сўзларини қўшиққа солиб қўйганида... шундай машаққатли, лекин шарафли касбни танлаб хато қилмаган муаллимларнинг киприклари севинч ёшлари келди.

Камола АҲМЕДОВА

Биз олти дугона бир-биримиздан айрилмасдик.

Телефон жиринглаб, гўшакни кўтарсам Саломат экан:

— Хабаринг борми, Азизанинг мазаси йўқми, қизлар «анча жиддий» дейишяпти.

— Нима бўпти?

— Ким билсин, борсак, биламиз-да... Биргасда етиб бордик. Кўрсак, Азиза болларини боғлаб олган, «оҳ» уриб ўзини у ёқдан-бу ёққа ташляпти. Зулхумор, Барно, Салималар уни тинчлатириш билан овора.

— Қаеринг огрияпти? — биринчи саволимиз шу бўлди.

Юрагим, кўнглим, дилим... Куйиб кетаяпман, ёниб кетаяпман, қизлар. Мен бу номардди шунчалар яхши кўрарканман. Эссиз... Эссиз... Уволим тутсин уни!

Хуллас, узундан узоқ вовайлодан сўнг маълум бўлдики, Азизанинг эрини бегона аёл билан кўришибди. Тўлиб-тошиб бозор қилиб юришган экан. Аёл ёш ва гўзал эмиш.

— Э, ҳали бор гапми, йўқ гапми, бунча ваҳима қиласан, — Барно уни койиған бўлди, — балки бирга ишлайдиганлардан бирортасидир? Гумон иймондан айирар...

— Ишонасидагиларнинг ҳаммасини биламан. Узи кўнглим сўзганди-я, кейинги пайтда бошқача бўлиб қолганди... Азиза баттар хўнграб йиғлайди, фарёд солади. Ўзимиз билан бўлиб эшикдан кимдир қақирганини ҳам билмабмиз. Остонада Азизанинг кенжа ўғли Дилшоднинг ўқитувчиси кўринди.

— Тинчликми?

Бизлар ҳам бир-биримизга қарадик.

— Сиздан яшириб нима қилдим опа, укангиз номард экан, — Азиза яна йиғлашга тушди.

Муаллима бўлган воқеадан хабар топгач, вазимин гап бошлади:

— Синглим, бу оилавий сир бўлиши керак. Ҳаётда шундай нарсалар бўладики, уни ошқор қилиб бўлмайди. Айниқса аёл киши ҳар қандай шароитда ўта вазимин бўлмоғи керак. Мен сизлардан бир неча кўйлакни кўпроқ йиритганман. Шунинг учун бошимдан ўтган худди шунга ўхшаш бир воқеани айтиб берайми? — дея гап бошлади.

— Ўттиздан ошган пайтларим эди. Ўшанда ҳам мактабда ишлайман. Уч нафар фарзандимиз бор. Катта қизим ўн икки ёшга тўлдирган, ҳаётимиз ҳам ёмон эмасди. Рўзгоримиз катта, мол-ҳол, томорқа дегандай. Ҳам мактаб, ҳам уй ишларига улгурар, уйим-жойим деб жоним ҳалак эди. Шундан бўлса керак қайнонам доим алқар, «барака топ, ўғлимнинг бахти бор экан» деб бот-бот тақроорларди.

Кейинги пайтларда хўжайиним уйга кеч келадиган одат чиқарди. Бошида Йиғилиш бўлди, «Комиссия келувди» деган важларига ишониб юрдим. Кейинчалик уйга келмай қоладиган одат ҳам чиқарди. «Қаерда эдингиз?» десам, «Мен сенга ҳисоб бермайман» деб қўлоб жавоблар қила бошлади. Баъзан мени жузатиб турарди-да, «Узи сенинг нимангни ёқтирган эканман?» дерди киноя билан. Бу менга оғир ботса ҳам индамасдим. Орамизга қандайдир совуқлик оралаганини иккимиз ҳам билардик. Бироқ мен у кишига нобатан муомалами қилча ҳам ўзгартирмадим. Аксинча, иззат-ҳурмати-ни аввалгидан-да зиёдароқ қилиб жойига қўя бошладим. «Иш билан бўлиб унча эътибор қила олмаётгандирман» деб айбни ўзимдан қидирардим.

Бир куни кечаси маст ҳолда уйга кириб келди. «Сенда гапим бор» деди имлаб. Ичкиликдан қизарган кўзларига тикилдим.

— Ҳабиба, — деди айб иш қилган одамдек бошини эгиб, — мени кечир. Мен сендек аёлни билмаган номардман. Мана энди тақдирим сенинг қўлигда.

Хайрон бўлдим. Сўнг хўжайинимнинг гапларидан капалагим учди. Айтишича бир суяк оёқ хотин унга осилиб олибди. Шайтон йўлдан уриб, хўжайиним уникага бир-икки борган ҳам экан. Хомилдор бўлиб қолган аёл «Бола сеники, менга уйланасан, бўлмаса ишингдан ажраб, қамаласан» дебётганмиш.

— Бу қалтис вазиятдан чиқшининг

битта йўли — унга уйланишим керак. Номига бўлса ҳам. Бўлмаса ҳаммаси тасом. Номига уйланиб, кейин тўғри келмади деб жавобини берсам, олам гулистон, у балодан шу йўл билан қутулиш мумкин.

— Йўли шу бўлса — уйланинг, — дедим чорасиз эримга раҳим келиб. Мастластикда шундай ахлатни сособди-да, билмабди, дедим.

Хўжайиним қувониб кетди.

— Ўзинг ақли, тушунган аёлсанда! У балодан қутулиб олай, сени сира ҳам хафа қилмайман, — у яна алланамалар деди. Мен эса дарду дунём қоронғу бўлиб болаларим ухлаётган хонага кирдим. Уларнинг ҳар бирининг юзига қараб, тонг отгунча йиғлабман. Хуллас, элга билдириб унга уйланадиган бўлди. Қайнонам, бирам қарғади-ей. Мен эса бу «томоша»

Эшик олдида бориб, тирқишдан ҳовлига мўраладим. Хўжайиним оёқ учидан юриб бориб, нариги хона эшигини секин очди, остонадаёқ «чўлп-чўлп» этган овозлар эшитилди, «шиқ» этиб ичкаридан эшик зулфи туширилди.

Мен тош қотган эдим. Алданганимни эндигина англаб, бутун вужудимга титроқ кирганди. Шайтон «қўлингга болтани олиб, эшикни чоп, буз, ичкарига кириб иккаласини ҳам...» деб ўргатарди. Ақл эса «эсини еган аёл, ўзингни шарманда қиласанми, икки пасткашдан ҳам паст кетасанми, болаларингнинг юзига қандай қарайсан?» дерди. Юрагим ўт бўлиб ёнар, назаримда бу ўтқи унча-мунча сув ўчирилмасди. Ҳовлимиз этагидан катта ариқ оқиб ўтади. Жон ҳолатда ўша томонга югурибман.

Ариқ бўйида билмайман, неча йиллик

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

Аслида менга ҳеч ким хиёнат қилгани йўқ. Улар иккови ўзларига ўзлари хиёнат қилдилар, назардан қолишди, бахтдан мосуво бўлишди. Қолаверса, худого солдим. Энам айтганидек, «бировнинг кўз ёшини тўқдириб, ҳали ҳеч ким униб ўсган эмас». Ўзимни-ку қўяверинглар, болаларим ҳам қийналиб кетишди.

Хўжайиним уйга қайтиб қадам босмади. Қайнонам дардга чалиниб, ётиб қолди. Бировлардан айттириб юборсам «бахона қилишмасин, энди у уйга бормайман» дебди. Қаранглр-да, агар иш жойига шикоят қилиб борсам, масаласи кўрилиб, ишдан четлаштириларди. Жуда кўпчилик шу маслаҳатни ҳам беришди. Аммо мен эшикка эшик юриб, арз қилишни ёмон кўраман. Қолаверса, «мендан тополмаганини ўша аёлдан топган бўлса, кўнглига эғалик қилиб бўлмайди-ку», деб ўз ҳолига қўйдим. Ишимни ишлаб, номини тишлаб юравердим. Орадан йил ҳам ўтмади. Бир куни пешин маҳали болаҳонада пичан босаётган эдим. Кичкина чопқиллаб келиб қолди:

— Аяжон, дадам армиядан келдилар! (У «дадам қани!» деганида «армияга кетган, келади» дердим-да мен шўрлик.)

Хайрон бўлиб, пастга тушдим. Қарасам, ўша айвонимизда эдим, болаларини кучоқлаб ўтирибди. Кўзимга қаролмайди. Ранги рўйи бир аҳволда. Гапнинг қисқаси, «ўрганган кўнгли ўртанса қўймас» экан. У аёл яна эски қилиғини бошлабди. Хўжайин иш билан олисга кетиб, эртароқ қайтиб келса, уйда бегона эркак билан...

— «Узи келар ҳолига» деганларидай яна амманнинг бузоғига ўхшаб хўшшайиб кириб келди денг, — Салима гап қўшди.

— Шу Парпи ака-я, наҳотки сизнинг бошингизга шунақа кунларни солган бўлса... — Барно хайратини яширолмади. Чунки Парпи ака ҳаммамизнинг назаримизда энг оилапарвар, ҳурматли инсон эди-да.

— Ха, мана ўзларингиз ишонмаяпсизлар. Мен адашган инсонни кечирдим. Шу пайтгача энг яхши вазифаларда ишлаб келди. Ҳозир ҳам ҳаммага панд-насихат берадиган, элнинг назаридоғи инсон. Биласизлар, маҳаллада бирор иш уларнинг маслаҳатисиз битмайди. Кечиримликларнинг хайри оқибатини ўз ҳаётимда кўрдим. Фарзандларга ўз отасидан кадрли инсон йўқ. Мана, ўғил-қизларни уйи-жойи қилдик, олди ортимиз тўла неваралар бўлди. Бунга айниқса, қизимни узатаётганимда ҳис этдим. Тўйнинг бошида отаси турди, сунячиғим бўлгани учун кўнглим тўқ эди. Фотиҳа бераётганида эса яна бир бор хўжайинимни кечириб, тўғри иш қилганимни англадим.

Яна бир нарсаси: ҳозирга қадам бўлиб ўтган ўша воқеаларни хўжайинимга бир марта бўлса ҳам эслатмаганман, юзига солмаганман... Аслида ҳам кечириб дегани бўлиб ўтган кўнглисизликни унутиб деганидир. Тўғри, бундай қилиш менга осон бўлгани йўқ. Юрагим, асабим ишдан чиқди, касалга йўлиқдим, соғлигимни йўқотдим. Бироқ ана шу йўқотишларим эвазига оила обрўсини, болаларимнинг кўнгли бутлигини сақлаб қолдим, деб ўйлайман.

...Азиза секин ўрнидан турди. Таҳмондан кўрпача олиб тўшай бошлади. Юқоридаги ўринга тўрт қават кўрпача солди. У қизариб кетган, афтидан ўз ҳаракатларидан пушаймонда эди. Секин келиб Ҳабиба опани кўлтигидан олди-да, пешонасидан ўпиб тўрга бошлади...

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Сирдарё вилояти

ЭРНИ ЭР ҚИЛИНГ!



ларнинг тезроқ туғашини истардим. Бу гап бутун қишлоққа овоза бўлганди. Назаримда ҳамма менинг устимдан кулаётгандек, «ношудлиги, беҳшовлиги учун эри устига хотин олаётган-да» дейишаётгандек, ўзимни дунёдаги энг уквусиз, хўрланган, оёқости қилинган аёл сира-сига қўшиб қўйгандим. Ичимдаги Ўзим эса «сабр қил, эринг бу балодан қутулиб олиш учун ўзга чора йўқ-ку! Болаларинг тирик етим бўлиб қолмаслиги, эринг лавозимидан кетмаслиги учун шундай қилиш шарт» дерди.

Уйимизга росмана келин келди. Ойимча «ҳамма урф-одатларни жойига қўясан», деб шарт қўйибди. Хонадонимиз узун айвонли бўлиб, унинг икки чеккасида бир-бирига қарама-қарши хоналар жойлашган. У бошидаги хонага кундошимни сеп-суруги билан қўйишди. Тантаналар ўтди, ҳамма кетди. Эримнинг тўйида ўзим хизматда бўлдим. Одамлар нима деса деди, бўлар иш бўлиб, бўёғи синди. «Энди кечқурун нима бўлди?» — деб сўранглр. Кеч бўлиб, ҳамма ўрнига кирди. Мен ҳам жойимга чўзилдим. Бироқ тагимда тўшак эмас, худди тикондан солинган бўйра бордек тўлғонардим. Ичимга чироқ ёқса ёришмас, асабларим таранглашгандан таранглашган эди. Бир кўнглим «ҳозир болаларингнинг дадаси келиб, «мени деб шунча тириб бердинг, ҳали ҳаммаси эсингдан чиқиб кетади, ҳеч нарсани ўйлама, энди ҳаммаси яхши бўлади» деб овутади, ўзингга келасан» дерди.

Ҳовлида хўжайинимнинг йўталгани эшитилди. Мен ётган хона эшигининг олдида келди. Бир нафас турди. Яна нари кетди. Бирдан юрагим хапқириб, қаттиқ уриб кетди. Сакраб ўрнимдан турдим.

ТАХРИРИЯТДАН:

Маълумотларга кўра оилавий ажримларнинг аксарият қисми хиёнат, ўзаро ишончнинг йўқлиги туфайли юзага келар экан. Гарчи кечиримлик юксак фазилат бўлса-да, бироқ бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Азиз газетхон, сизнингча юқоридаги каби хиёнатни кечира олармидингиз? Муносабатингизни кутамиз.

ОНА СОНГА КИРМАСА...

ёхуд озодалик ҳам қиз боланинг шаънидир

Айтишларича, қиз бола дунёга келса, остоналар қувонармиш: мени энди супурадиган бор деб.

Айтишларича, қиз бола ўнга кирса, она сонга кирармиш. Қўлидан супурги ва челагини идиш-товогини олармиш. Ҳовли янада файзли, обод бўлармиш.

Айтишларича, қиз болага совчи келса, аввал остонага қарармиш... Сўнг...

Дарҳақиқат, уйингизга... келган одам, энг аввало остонага қарайди.

Айниқса, совчилар келганида остона тоза бўлса-ку, берди худо. Аммо акси бўлса-чи? Бу қиз боланинг шаъни синди дегани бўлмайди? Қиз боланинг шаъни эса нафақат ота-онанинг, балки бутун оиланинг бошқа аъзоларининг ҳам ори, шаънидир.

Шу сабабли қиз боланинг шаъни синса, бу онанинг айби.

Эшитган ё кўргансиз, масалан, шунчаки чойнак қопқоғининг кирлигини кўриб, бу хонадондан чой ичмай кетган меҳмонлар бор. Ивириган ўчоқ бошига

қўзи тушгач, хонадон бекаси тайёрлаган лаззатли таомга қўл ҳам урмаганлар бор орамизда. Ёки хонадон сохибасининг «Уйга бўлаверди-да», — деб кийиб юрган кир кўйлагини кўриб, иштаҳаси бўғиладиганлар-чи?

Шундай экан, тозаллик нафақат аёл, хонадон бекаси, балки эркакнинг ҳам шаънидир.

Масалан, кўп аёллар оила сохиби бўлган турмуш ўртоқларининг тутумига қараб иш қилишади. Каттиққўл, талабчан, тоза ва озода бўлган эркакнинг хонадонидида хотин ивиришиб кўрсин -чи? Эри маданиятли бўлса, сўз билан хотинини «чақиб» олади. Жалдор, тўпори бўлса, дуч келган нарсани улоқтиради. Аёлининг ҳеч тугамас рўзгор юмушларига бел боғлаб қараган эркаклар ҳам талай.

Аммо яна шундай тоифа эркаклар борки, ифлосликдан ҳазар қилмайди. Хона-

донни чивин, суварак босиб кетсин, қилт этмайди. Гоҳ эса қовун қовундан ранг олади. Аёл ҳам тепса тебранмас бўлиб бораверади. Бундай оилада тарбия топган қиз қандай бўларкин?



Халқимиз орасида ҳамisha ивиришиб юрган, на ўзига, на уй жойи ва на ҳовлисини-ю, бола-чақасига қараган аёлларга нисбатан «сонсиз» деган ибора ишлати-

✓ ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

лади. Энг қизиғи, баъзан оилавий жоҳорларга аралашиб керак бўлганида қайнона ёки эр томонидан аёлга қўйилган айблардан биттаси унинг «сонсиз»лиги бўлганига гувоҳ бўласиз. Каттиқ солинган халтасини ювмасдан қуртлатиб юборгани учун эри ҳайдаб юборган аёлни билламан. Демак, тозаллик нафақат шаън, балки ўрни келганда бахт ҳам экан!

Шунингдек, биз яшаётган кўча, маҳалла ҳам уйимиз остонасидир. Сизни излаб келган одам дарвоза ҳатламай туриб кўчага разм солади. Кимдир кўчасини, шундоққина гулу гулзорга айлантириб қўйган бўлса, кимдир чўлга айлантириб қўйибди. Хонадонга қираётган кишининг кайфиятини эса ана шу манзара белгилаб беради. Бир гал узоқ қишлоққа таъзияга бораётиб, пахса деворининг юзига янтоқ босиб кетган ҳовлиларни кўрганимда этим жунжикиб кетган, жим туролмаганман...

Биз остонани уй-жой, ҳовли дедик. Аслида Ватан ҳам остонадан бошланади. Шундай экан, уй-жойимизнинг ободлигидан юртнинг ободлиги бошланади. Ватаннинг шаъни баланд тутайлик.

Лола ЎРОҚОВА

ЭЛГА КЕРАК БЎЛИШ БАХТИ

✓ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Қисмат экан-да, асли Самарқанднинг Иштихонидида туғилиб ўсган Салтанатхон ҳам, Эсонбой ҳам бор-йўғи уч йилгина ишлаб келиш учун гуллар юрти Наманганга — Чортоққа юборилган эдилар. Тақдирни қарангки, сўлим водийнинг хушманзара табиати ёки ҳақиқатан ҳам кўп одамларнинг оҳанрабои бор эканми, бу ёш шифокор оила шу тупроқда паллак ёзди. Келин саранжом-сарриштали ойбека, меҳрибон она бўлди, кувёв эса ширинсухан, ҳаммага баб-баравар меҳрибончилик кўрсатадиган ахтарили оила устунига айланди.

Мақоламиз қаҳрамони — шифокор-кардиолог Салтанатхон Товбаева ўша, машҳур, ҳамма биладиган «Чортоқ» санаториясида хизмат қилиб, аллақачон каттаю кичик, кексаю ёшнинг «дўхтир ораси»га айланиб қолган. Салтанатхон опа: «Юракнинг энг биринчи «тез ёрдам»и — шифокорнинг хушмуомаласи», — деб билгани учун ҳам аввало бемор билан «сирдош дўст» бўлиб гаплашади, унинг руҳиятидаги «жароҳатлар»ни даволайди. Муолажаларни ҳам миҳознинг табиати ҳисобга олган ҳолда тайинлайди. Токи хаста юрак фаолияти бир маромга тушиб, ўз ҳаловатини топмагунча бор имкониятини ишга солади, керак бўлса тиббиёт ҳақидаги ки-

тобларни қайта-қайта «титишдан», янгиликларни амалда тадбиқ этишдан чарчамайди. Эринмасдан беморнинг оила аъзолари билан телефон орқали бўлса ҳам боғланиб, касаллигининг келиб чиқиш сабабини

даргоҳ остонасига қадам босган одам ўзи билан САЛОМАТЛИК ва РУҲИЙ ҚУВВАТНИ олиб кетмоғи лозим!» Шу боис Салтанатхон Товбаеванинг ўзи амал қилиб келаётган бу ақида асосида республика газета ва журналлари-

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Курортлар бошқармаси, Наманган вилояти ва Чортоқ тумани ҳокимликлари томонидан ҳам эътироф этилиб, фахрий ёрлик, мукофот ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирланган.

— Салтанатхон опа 35 йилдан ортиқ шу даргоҳда хизмат қилади, — дейди «Чортоқ» санаторияси очик акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси Шамсиддин Абдуназаров. — Бу ердаги ҳар бир гулу гиёҳда онанинг ёшлик йиллари хотиралари бор, десам ёлғон бўлмас. Салтанатхон опа нафақат маллакали ва ишончли шифокор, шунингдек санаторий хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида ҳам тиниб-тинчимас ташкилотчи, фидойи дўстдир.

Ҳеч эътибор берганмисиз, кўпчиликка «керакли бўлиш» бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Салтанатхон опа ҳам эли, одамлар учун керакли инсон. Беморлар дардига даво, юрагига малҳам топиш, ўзи фаолият юритаётган жамоанинг

оғиру енгиллиги елкадош бўлиш билан бирга «Оромгоҳ» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси аъзоси, тўй комиссияси раиси бўлиб, эл-улуснинг қорига яраётган аёл. Маҳалла кексалари, ёлғизлар, кам таъминланган оила аъзолари, беморлар, ногиронлар онанинг ортидан дуо қилганча: «Отасига раҳмат!» деб эслашади. Табиийки, отасига раҳмат олиб келган фарзанднинг фазилатлари ўз болалигига ҳам мерос бўлиб ўтади. Салтанатхон опа қирқ йилга яқин турмуш ўртоғи (раҳматли) Эсонбой Омонов (даволоччи врач) билан шу санаторийда елкама-елка ишлади. Улар тўрт нафар фарзандини вояга етказиб, элга қўшдилар. Бугун Салтанатхон опа уч нафар набирасининг шодон кулгуларига қўшилиб жилмаярган, Тангрининг шу кунларга етказганга шукрона келтиради. «Барча юракларни фақат қувонч макон қилсин! Ана шунда инсон дард чекмайди. Узоқ яшайди. Бу эса биз шифокорлар учун энг керагидир» — дея одамларга омонлик тилайди.

Санобар ФАХРИДИНОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири. (t)



аниқлайди ва беморни даволашда, керак бўлса, уларнинг иштирокини ҳам таъминлайди. Бу саъй-ҳаракатлардан эса мақсад битта — «умид билан мазкур

да чоп этилаётган мақоалалари, илмий анжуманлардаги маърузалари кўпчилик мутахассис ва олимлар эътиборига тушди. Унинг фидокорона меҳнатлари

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.
Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.
Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.
Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилди ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шахар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркутск) 20-уй.
МЎЛЖАЛ: Қорасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

ДИЙДОР ҒАНИМАТ ЭКАН

...Қадрдон дарвозамиз олдида кичкина супача бор. Онам Тошкентда юрган қизи, яъни мени ҳар куни ўша ерда ўтириб қутар экан. Кўчамиздан ўтган-кетган йўловчилар билан сўзлашиб, кўнгил ёзар, «вақтим йўқ, ишларим кўп, бора олмайман она,» десам ҳам барибир кун бўйи йўлга қараб ўтирар экан.

Бугун эса... ўша супа бўм-бўш...

Ховлимиздан райҳон, номозшомгул, чиннигуллар ифори аримас эди. Онам гулларни ўзгача меҳр билан ардоқларди. Одамларга ҳам ниҳоятда меҳрибончилик кўрсатарди. Сўзлаганда юзларидан янада нур ёғилиб муллоим табассум билан дилингизга кириб борарди. Етти фарзандни оқ қуйиб, оқ тараган онажоним бирор марта бизни уришгани, ҳатто койганини эслай олмайман. Қўллари ишдан бўшамас, кун бўйи рўзгор ташвишлари билан овора бўлса-да, кечаси урчуқ йиғириб, тикиш-бичиш қиларди. Мен эса бутун ёшлигимни китоб кўчоқлаб ўтказганман. Бир дунё китоб ўқидим, онажон! Толстойни, Достоевскийни, Шопенгауерни... Лекин ёнини-гизда беш дақиқа бемалол ўтиролмаганимга энди афсусланаман. Дийдорингизга тўйиб-тўйиб, ғанимат гап-насихатларингизни эшитолмаганим мен учун армонга айланади.

Отам Сурхон воҳисининг Вахшивор қишлоғидаги Яккажийда деган жойда боғ яратган. У ерда ҳар йили турфа хил узумлар пишади. Киш арафасида онам ўша узумларни сақлаб, то мен қишлоққа борганимгача асраб қўяр эди. Бу ҳам сизнинг кўнгли дарёлигингиз исботи эди. Вахшивордан пойтахтга ким келса, ҳар доим ту-

гун бериб юборарди. Йил ўн икки ой мен учун неча киши овора.

Мана энди, мени кўтиб йўл қарайдиган, ўзи емай сақлаб қўйган майизу новвот, қурутлар тугилган тугунчани бериб юборадиган зотнинг майингина овозини соғина-яман. Афсус, дийдор ғанимат экан.

Йўқ, азизлар, гап нарса, таом ёхуд совғада эмас. Худога минг қатла шуқур, ҳамма нарсам етарли. Лекин... биласизми, онам бериб юборган икки дона кулча ёки тўрттагина ўрик қоқи ёхуд Сурхон бугдойидан ёпилган патирда акс этган қуёш янглиғ меҳрни кўмсайман. Ишонинг, ўша меҳр билан яшариб, соғинч билан ўзимча бой бўлиб юрардим. Ахир онам борлигида бу дунёда мендай қудратли, мендай давлатманд одам йўқ эди. Баланд тоғ эди онам менга. Гўёки осмону фалақдаги Сурайё юлдузига ҳам қўлим етарди. Онам ҳаётлигида мен ёшроқ эдим. Онам дунёдан ўтган куни... бир кунда юз ёшга қадр улгайдим...

*Мен онамни аширтдим шаҳарларга,
Қўлларига сув қўймадим шаҳарларда.
«Шоир бўлган қизим», дея жўнатувди,
Лек шеърларим қолиб кетди*

СОҒИНЧ

дафтарларда...

Айтадиларки, тўрт нарсга қараганимда дил равшан бўлиб, умр узаяр экан: Тиниқ сувга, чиройли ёзувга, устоз юзи ва ўзини боқиб катта қилган отаю онам дийдорига термулмоқ юрагингизда зангларни ювиб, дил чарчоғини олар экан. Энди чарчоғини ким олади? Юрагимдаги дардларни кимга оча оламан?

Биз фарзандлар онамизни бир умр ҳижронга қўямиз, гоҳ ўз ишимиз, ташвишларимизга кўмилиб, улар билан кечадиган дийдору суҳбатларни кечиктирамиз. Ахир ўйланг, дунёда бизнинг роҳатимизни, тинчлигимизни уйлаб, ўз ҳаловатидан кечадиган Онадек зот борми?

Ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди: Онагинам ҳузурларига борсам, у киши бирон марта қўлимдаги совғага қараган эмас. Аксинча, ранг-рўйимга қарарди, соғлигимни юракларини қўлга тутказгудек меҳр билан сўрардилар:

«Болам, жонинг соғми, яхшигина юрибсанми? Хушвақтимсан?! Озиб қолсан...»

Борган сари, ёш ўтган сари қадрдон, дилга яқин одамларинг ҳам санокли қолар экан. Таниш-билиш, дўст-ёрларинг толган давлатингга, қилган уй-жойингга, эришган ютуқларингга қараб сараланар, муроса-ю мадора ҳам шунга яраша бўлиб борар экан. Сенинг соғлигинг, тириклигинг, шу дунёда омонлигинг учун чин дилдан қувониб яшовчилар — улар отаю онам эмасми?!

Онамизнинг чексиз, чегарасиз муҳаббати дунёларга татуилувчи меҳр экан. Бу она меҳри не-не тилсимларни очувчи калит, унинг дусои эса баайни ижобат бўлгучи бир кимёйи асилдир...

Гуляндом ТОҒАЕВА,
шоира.



«ДИЕТА» — юнонча сўз бўлиб, «яшаш тарзи, овқатланиш тартиби, парҳез» деган маъноларни билдиради.

«КЛИП» — сўзи асли инглизча бўлиб, «узиб, юлиб олмоқ» деган маънони аглаатади. Эстрада ва бошқа хил қўшиқларга ишланган узук-юлуқ бадий лавҳалар.

«БАХТ» — сўзи форсча бўлиб, аслида у «тақдир», «насиба», «улус» маъноларини билдиради.

«БАМАЙЛИХОТИР» — бу сўз «ба+майли+хотир» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. «Хотир» сўзининг илк маънолари «уй, фикр, ғоя, ақл, фаросат, қалб, истак» мазмунида. Демак, «бамайлихотир» — кўнгли майли билан деган маънони аглаатади.

Э. ШУКУРОВ тайёрлади

БЎЛҒУСИ ТАЛАБАГА КИМ ЕЛҚАДОШ БЎЛА ОЛАДИ?

Бу саволга кўпчилик «Ҳаммаси абитуриентнинг ўзига боғлиқ» деб жавоб бериши табиий. Лекин бугунги абитуриентлар ошиб ўтиши керак бўлган доvonлар баландалб бораётган бир даврда у ўзига елкадош бўла олгучи кучга зориқши сезиши бор гап. Чунки талабалик орзусидаги ёшлар учун юқори малака ва устозлар томонидан берилладиган қўшимча таълим имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланиш қўйилган мақсадга эришишда асосий таянч вазифасини ўташи шаксиз.

Республика таълим тизими ва тест технологияларини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш мақсадида фаолият юритаётган «TESTOLOG-SERVIS» ўқув ва тест хизматлари маркази директори Абдушуқур Олимов билан ушатирилган суҳбатимиз ҳам абитуриентларнинг пухта билим олиши учун марказда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар хусусида борди.

— Абдушуқур ака, сиз абитуриентлар билан ишлаш борасида маълум тажрибага эгасиз. Шу маънода ўқув марказини ташкил этишда биринчи галда нималарга эътибор қаратдингиз?

— Аввало, мазкур ўқув марказига ўз фанини мукаммал билган, айна пайтда билим сирларини ўқувчиларга маҳорат билан етказиш қобилиятига эга ўқитувчиларни жалб этишга жиддий аҳамият бердик. Педагог абитуриент билан ишлаш жараёнида унинг психологисини ўргангани ҳолда дарс ўтишининг турли услуб ва шакллари билан фойдаланиши, шогирдининг яширин имкониятларини юзга чиқара олиши керак. Барча устозларимиз мактаб дастури доирасида ўқраши мумкин бўлган ҳар қандай саволларга ўша вақтининг ўзида жавоб топиш саҳоятига эга. Қолаверса, ўқитувчиларнинг нечоғли кучли билимга эга эканлигини аниқлаш мақсадида абитуриентлар

орасида ҳар ойда бир марта ёпиқ равишда суровномалар ўтказиб борилади.

Ўқув марказидаги тайёргарлик жараёни асосан тўрт йўналишда олиб борилади ва қуйидаги фанлар чўрлаштириб ўқитилади:

1. Иқтисодий-ғуланитар, она тили ва адабиёти, чет тили, тарих.
2. Иқтисодиёт -математика, она тили ва адабиёти, чет тили.
3. Тиббиёт -биология, химия, она тили ва адабиёти.
4. Техника -математика, физика, она тили ва адабиёти.



Абитуриентлар икки томонлама, яъни ўқув маркази маъмурияти ва ота-оналар ёки тингловчи масъул шахслар иштирокида тузилган шартномалар асосида

ўқишга қабул қилинади. Яна бир гап: ҳар ойда ўтказиладиган синовларда 36 та саволга 29 та ва ундан ортиқ тўғри жавоб белгиланган абитуриентлар учун шу фан-

ИЛМ САРИ ЙЎЛ

лардан кейинги ойда барча ўқувлар рағбат сифатида бепул ташкил этилади.

— Билишимча, марказда дарслар 10 ойлик махсус дастурларга таянилган ҳолда ташкил этилар экан. Лекин шундай ҳолатлар бўладики, абитуриентлар имтиҳон топширишга 6-7 ой қолгандагина сизларга мурожаат қилиши мумкин...

Болакай шакарни яхши кўради. Шакар худди қорга ўхшаб оппоқ, лекин ширин. Шип-ширин. Шакардан қулупнайли мураббо тайёрласа бўлади. Бунақа мураббо кўшникида бор. Уларникида йўқ! Ох, қани қулупнайли мураббо бўлса! Юзларига улкан соя ташлаб турган, узун киприклари остидаги қоп-қора кўзлари шакарга тикилиб қолади; ногоҳ, Шакардан шоколадли торт пиширса ҳам бўла-

ди. Бироқ иложи йўқ!


— Намунча хаёл сурасан, — дашном беради ойиси, — бўл тез, мактабцига кеч қоласан.

Кеча қийналиб, зўрга ёд олган шьериға ўқитувчиси «уч» баҳо қўйди. «Интонация» билан айтмаганмиш. «Интонация» нима ўзи? Ҳеч тушунмайди. Аммо шьери ўзича қойиллатиб ёд олувди. Барибир «уч» олди. Энди ойиси роса уришади.

— Сени бошқа болалардан ниманг кам, намунча саводсизсан, тузук ўқисанг ўласанми?! — Мактабга чиққанидан буён

Уйга оёқда турулмайдиган даражада маст бўлиб қайтган дадаси сал ҳушига келиши биланоқ, тонготаргача жанжал қилди. Идишлар синди, ошхона эшигининг ойнаси чил-чил бўлди: ойиси дадасининг юзини тимдалади, дадаси ойисини тепди. Уларнинг шовқинига кўшнилари чиқшди: мурасага чақириб, яна шовқин кўтаришиб тинчликни бузишса, мелиса чақирадиган бўлишди. Лекин дадаси билан аяси бешикдаги сингилчаси чинқириб йиғласа ҳамки парво қилишмади. Жанжаллашаверишди.

ШИРИН ҚОР



хар куни бир хил дакки егани-еган. Нахотки, у онаси айтганидек «иккичи», «саводсиз» бўлса?

Лекин ойиси уришмади. Ҳар кунги одатга айланган гапларни такрорламади. Вақти бўлмади, баҳосини сўрамади ҳам.

У уялди, ҳожатхонага кириб, ҳаммадан беркиниб йиғлади.

— Бориб шакар олиб кел... Эҳтиёт бўл, тагин тунов кунгидек пулни йўқотиб қўйма, — овози борича бақирди ойиси.

ХИКОЯ

600 грамм шакар олди. Сотувчи юпқа целлофан халтачага солиб берди.

Дўкан эшигининг зинасидан тушмоқчи бўлганида, аллақандакдан саёқ кучукча пайдо бўлди. Унинг қорни оч, дайди эканлигини кўтир бўлиб тўкилаётган хурпайган жунлари, жовдираган кўзлари айтиб турарди. Болакай бу дайди кучукчани ҳайдаб солмади, ижирганмади. У кучукча олдига чўккалаб, бошини силади. Чўнтагида кеча янги кўчиб келган кўшникидан туз сўраб чиққанида унга: «Ширин бола экан», деб улашган асалли конфетни олиб, унга берди. Аслида, конфетни мактабда емоқчи эди, яхшиси кучукчага бергани маъқул. Саёқ кучукча кўз очиб юмғунча конфетини паққос туширди-да «яна бер» дегандек болага термулиб, думини ликиллатди.

Қани энди, кучукчани уйига олиб бориб, боқса... иложи йўқ.

— Бора қол энди. Бор, бор. Бошқа конфетим йўқ, ўзи битта эди. Уйга олиб борсам, аям уришадилар... кучукча бало борми, дейдилар. Ана шунақа. Борсангчи.

Болакай кучукчани ўзидан нари сурди.

Ўрнидан туриши билан, негадир кўз олди қоронғулашиб, беҳосдан кўлидаги олти юз грамм шакарни ерга тушириб юборди. Ниҳоятда юпқа целлофан халтача йиртилиб, қордек оппоқ — қулупнайли мураббо, шоколадли торт тайёрласа бўладиган шакар тўкилиб кетди. Болакайнинг улкан соя ташлаб турган киприклари остидаги мунчоқ кўзлари кўркүвдан шу қадар катталлашиб кетди-ки... У бир қадам ортга тисарилди. «Энди оймимга нима дейман?!» У ойисининг бақиршини, кечаги жанжал аламини ундан олишни, хатто калтаклаши ҳам мумкинлигини ўйлаб, ичида инграб юборди.

Кучукча эса бошини бир ёнига эгиб, нима бўлди, дегандек унга тикиларди...

Гўзал РАВШАНОВА

Тошкент шаҳридаги 12 -автокорхона маъмурияти

“Д” тоифали ҳайдовчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Ойлик маошлар куйидагича:

Ҳайдовчилар учун 450 000 дан юқори.



Куйидаги манзилга муурожаат қилишингиз мумкин:

ДИҚҚАТ!
КИМОШДИ САВДОСИ!

“Мерседес бенц О-405” русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда:

1. Гараж №214 давлат номери 10 АВ 843
2. Гараж №218 давлат номери 10 АВ 884
3. Гараж №221 давлат номери 10 АВ 135
4. Гараж №222 давлат номери 10 АВ 837
5. Гараж №231 давлат номери 10 АВ 839
6. Гараж №235 давлат номери 10 АВ 931

Кимошди савдоси 8 октябрь куни ўтказилади.

Тошкент шаҳар 12-автокорхона маъмурияти.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 12. Телефон: 258-68-53, 258-80-26

«ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА»

СОҒЛОМ ОНА —
СОҒЛОМ БОЛА

Бундан бир неча ҳафта илгари Самарқанддаги «Она ва бола скрининги» марказига борганимда бу ерда талайгина аёлларнинг навбат кутиб туришганларига гувоҳ бўлдим. Марказга ҳафтанинг маълум кунлари турли туманлардан текширув ўтказиш учун ҳомиладор аёллар келишади. Шу боис улардан бирини саволга тутдим.

— Бу ерга сизни нима учун жўнатишди?

— Биринчи фарзандимда қонимда инфекция борлиги аниқланганди, ҳозир бунисида ҳам бор, дейишди. Энди яна даволанишимиз керак.

— Келинимнинг ҳомиласи саккиз ойлик, лекин фарзандининг ҳаётини сақлаб қолиш учун эҳ-хе нималар қилмадик, дейсиз, — дея суҳбатга қўшилади ёшгина келинчақнинг қайнонаси. — Худого шукр, ҳозир неварам соғлом. Эмизмайди, сутидан ҳам инфекция чиқибди-да. Ўзим катта қилиб беряпман, ҳисоби. Энди бунисиниям даволатамиз.

— Ахир ҳали қўлидагиси энди саккиз ойлик бўлса, бунинг устига онаси қанча даволанган, организм чарчагандир. Наҳотки, яна ҳомиладор бўлса?

— Ҳа, энди келин билмай қолибди-да. Айтаяпман-ку, дейри ўзим қарайман, — деб келиннинг ўрнига жавоб берди қайнона.

«Билмай қолибди...»

Шу атрофда рафиқаси, фарзанди соғлигидан хавотирда юрган оталар ҳам хижолат чеккандай бир-бирига қараб қўйишди.

деймизу, аммо...

— Биринчи фарзанди ҳомилагидан нобуд бўлганди, шунинг учун бунисида шу текширувдан ўтиш учун чақиртиришган; — дейди Қўшрабоддан келган оталардан бири.

Аниқланишча, ҳомила нобуд бўлганига ҳали олти ой ҳам вақт ўтмаган.

— **Шифокорлар бунақа пайти аёл организми биров дам олиши керак, дейишади-ку?**

— Одамлар гапираверади-да...

Кейинги суҳбатдошим, тўртинчи фарзандига ҳомиладор экан.

— Дўхтирлар 35 ёшдан кейин фарзанд қўриш хавфлироқ деб текширувга йўлланма беришди, — дейди она. — Навбатнинг узунлигини қаранг, ҳали қачон уйимга етиб бораман? Каттамнинг сал мазаси йўқ эди-я...

— **Соғлом фарзанд тарбия қилиш қийинми?**

— Эй, синглим, кишлоқда болалар ўзи катта бўлади, шаҳарликларга ўхшаб уларнинг ҳар бирининг орқасидан юришга вақт қайда?

— **Лекин яна фарзандли бўляпсиз-ку!**

— Вой, жуфт бўлсин-да энди.

Ўнга бўлса ўрни бошқа, дейишади-ку!

«Жуфт бўлсин-да», «Худо берибди», «ношукрлик қилмайлик», «яна битта ўғил керак»...

Лекин аслида оилага ҳам, жамиятга ҳам соғлом, баркамол фарзандлар керак эмасми?..

— Ростдан ҳам кейинги пайтларда 35 ёшдан юқори бўлган аёллар ўртасида фарзандли бўлаётганлар кўпайган, — **дейди биз билан суҳбатда Скрининг маркази раҳбари вази-**



фасини бажарувчи Дилфуза Нурмуҳаммедова. — Тўғри, тинч-тотув, ўзига тўқ оилаларда яна фарзандли бўлиш истаги кучаяди. Бу бир томондан яхши. Аммо гап фақат бунда эмас-да.

Она соғлом бўлса-ку, майли. Аммо уларнинг аксарияти биринчидан, эътиборсизлик натижасида хасталиklarини ўтказиб келишса, иккинчидан, организмга дам беришмайди. Натижада бу

болага ҳам, онага ҳам ўзининг акс таъсирини кўрсатаверади. Шу боис яна 35 ёшдан ошгандан кейин туғилаётган болаларда «Даун синдроми» кўпроқ учрамоқда.

Кейинги пайтларда қариндошлар ўртасидаги никоҳ таъсирини қасалликлар кузатишмоқда. Айниқса, Ургант, Самарқанд тумани ҳамда Самарқанд шаҳрида туғилган болалар тез-тез учраётди. Чунки айнан шу ҳудудларда қариндошлар ўртасида никоҳ кўп. Бундай ҳолатда касаллик генларининг учраши эҳтимоли юқори бўлади. Шунини унутмаслик кераки, барча генларни аниқлашнинг имкони ҳам, усули ҳам йўқ.

Айни кунларда марказимиз янги туғилган чақалоқларни туғма гипотериоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг, туғруқча бўлган даврда ҳомила ривожланишидаги нуқсоннинг олдини олиш ирсий ва туғма касалликлар билан туғилганларга ҳамда шундай фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш каби вазифаларни амалга оширмоқдаими. Самарқанддан ташқари Жиззах вилоятига ҳам хизмат кўрсатамиз.

Юқорида таъкидлаганимдек, аксарият ногирон болалар қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ оқибатида дунёга келмоқда. Шунини унутмаслик кераки, қариндошлик алоқалари қанчалик ақин бўлса, ирсий касалликлар билан туғилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Масалан, боланинг туғма

гипотериоз билан туғилишига қариндошлик ўртасидаги никоҳдан ташқари онада йод етишмовчилиги натижасида юзага келадиган қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши ҳам сабаб бўлади. Гипотериоз боланинг жисмоний ўсишининг ортда қолиши, ақлий фаолиятининг сусайишига олиб келади. Энг муҳими, касалликни эрта аниқлаш ва вақтида даво муолажаларини бошлаш керак.

Масалан, яқиндагина бир онага фарзанди туғилган, тахлил натижаларидан сўнг бизга мурожаат қилиши қаттиқ тайинланганди. Афсус, она «болам соғлом-ку», дея тушунмай, чақалоқни анча кеч олиб келди ва натижада бола нобуд бўлди. Гап шундаки, туғма гипотериоз хасталиги аввалга билинмайди, аммо кўп ўтмай боланинг ичи қотади. Она бунга қарши ўзича даво қилади. Хаста организм зўриқибди натижасида кейинчалик бола бошини тутолмайди, унда чуқур ақлий заифлик вужудга келади.

Болада туғма гипотериознинг олдини олиш учун агар бу қон қариндошлик натижаси бўлмаса, аёл ҳомиладорликдан олдин ва ҳомиладорлик даврида, бола кўрак сuti билан эмизлаётганда суткасига 200 мкг калий йодид қабул қилиши керак. Шунингдек, касаллик аниқланганда ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш ҳам лозим. Акс ҳолда касалликни даволашнинг имкони бўлмайди.

Гулрух МҲМИНОВА,

«Оила ва жамият» муҳбири.

ИБН СИНО МЕРОСИ

«ЮРАК ДОРИЛАРИ» ТУРКУМИ

ТУХУМ

Тухум мутлоқ дорилардан бўлмаса ҳам, юракни яхши қувватлантириш жиҳатидан шубҳасиз дахли бор. Бундан мен тутовук, товук, қирговул ва каклик каби яхши гўштли қўшлар тухумининг саригини назарда тутаяпман.

Бу тухумларнинг сариги мўътадил мизожлидир. Бунда уч нарсга жамланган. Биринчи, тез қонга айланади; иккинчи, қонга айланмайдиган чиқиндиси оз; учинчи, бундан ҳосил бўлган қон юракни енгил озиклантирувчи қон жинсидан бўлганлиги учун у юракка тезлик билан кетади. Шунга кўра, руҳ жавҳарини тарқатувчи, қалбдаги қондан иборат моддасини қадимдан касалликлар қилувчи фасод бу билан тамоман йўқолади.

мойилдир. Нокда юракни кучли қилувчи ҳосият бўлиб, бу ўзига юқорида айтилган табиатидан ёрдам олади.

Олма бу ўринда ундан яхшироқдир.

ОЛМА

У биринчи даражада совуқ ва қуруқдир. Юракни қувватли ва хурсанд қилишда ажойиб хусусиятга эга.

Хуш бўйи ва ширинлиги хусусиятига ёрдам беради. Олма дори бўлиши билан бир вақтда озик хамдир. Шунинг учун руҳни озиклантириш ва мўътадил қилиши орқали ҳам фойда қилади.

ШИРИН АНОР

Ўзи мўътадил. Тинчлиги ва ширинлигидан руҳнинг мизожига ва айниқса жигардаги руҳ мизожига мувофиқ.

«Шарқ таботати» китобидан олинди.

ИЗОҲ: Муҳтарам газетхон!

Ушбу саҳифамизда Шарқ таботати, хусусан, бутун дунёда таботат илмининг даҳоси сифатида тан олинган буюк боқалонимиз Абу Али ибн Синонинг барчамиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган саломатлигимизга боғлиқ фойдали маслаҳатларидан намуналар эълон қилиб боришни режалаштирдик.

Маккажўхори донида оқсил, мой, карбон суви, калий, кальций, фосфор, дармон-дорилардан каротин, Е, В¹, В², В⁶, Р, В¹⁵ бор.

Унинг популарни (попилтириги) таркибида ҳам систосретол, сигма-мастерол, ёғ, эфир мойи, пантотен кислотаси, гликозид, К, С, В¹, В⁶, Д, Е каби дармон-дориларни сақлайди.

Маккажўхори таркибидаги шифобахш модда инсон организмда аминокислоталар ҳосил бўлишида, ёғ моддалари таркиб топиши ва парчаланishiда, холестерин, буйрак усти гармонларининг фаол ишлашида наф келтиради. Маккажўхори таркибидаги моддалар тўқималарни қайта тиклайди ва қонда гемоглобин ҳосил қилади. Попуги эса пешоб, ўт (сафро) ҳайдовчи сифатида жигар хасталигида фойдали. Қон ивишини оширади, шу хусусияти билан қон кетишини тўхтатади. Попугидан тайёрланган до-

«ДАЛА МАЛИКАСИ» ДАРДЛАР ШИФОСИ

риворлар енгил тинчлантирувчи таъсирга эга. Попугининг суяк экстракти холецистит, холангит ва ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилганда шифо.

Кайнатма тайёрлаш учун 10 грамм майдаланган попути 300 мл. қайноқ сувга солиниб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Ёки дамлама тайёрлаш учун 10 грамм майдаланган попути 200 мл. қайноқ сувга солинади-да, 45 дақиқа тиндириб қўйилади. Сўнгра 2 ош қошиқдан ҳар 4 соатда ичилди.

Халқ таботатида маккажўхори мойи ҳам кенг қўлланилади. Куйганда, лаб ёрилганда, аллергик ринитда яхши фойда беради. Танада холестерин моддасини камайтиради. Паршохотирликда кунига 20 грамм мойи таомдан олдин 2 маҳал истеъмол қилинади.

Қон чўп (чистотел) ўсимлиги, момақаймоқ илдизи, далачи ўти тенг миқдорда олиниб, унга маккажўхори попути қўшилади ва аралашгани 200 мл. қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа қайнатилади. Бу кайнатма кечаси ўт тош хасталигида ичилди.

Маккажўхори попути, қирқ бўғим ўти, ловия кўзғоқлари, қайин пўстлоқларидан иборат йиғма чой ревматоид артритда ҳам шифо бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доршунос.

КАШНИЧ

Қуруғи иккинчи даражада совуқ ва учинчи даражада қуруқдир. Юракни кучли ва хурсанд қилишда айниқса иссиқ мизожлиларда ажойиб ҳосияти бор. Ёқимли ҳиди ва руҳ жавҳарига мустаҳкамлик берувчи буриштириши ҳосиятига ёрдам қилади.

НОК

Нокда хушбўйлик, буриштириш хусусияти ва жавҳар қаттиқлиги бор; бу совуққа кўпроқ

...Мана неча кунки, Гулжамолнинг на ури, на туришида ҳаловат бор. Узини у ёққа урди, бу ёққа юрди. Излаётган нарсага нима эканлигини яхши билади, аммо тилига чиқаролмайди. Хуллас...

Аслида бу вазваса 2008 йилнинг сентябрь ойида, ўзини Зулайхо деб атаган аёл билан тасодифан танишиб қолган бошланганди.

Бу Зулайхо деганлари Гулжамолни бир зумда ўзига махлиё қилди-қўйди:

— Араб Амирликларига қатнайман. Молни тўғри ўша ёқдан олиб келиб, бу ердаги «точка»ларимга тарқатиб ташлайман. Тўғри, бу осон эмас. Аммо буни бизнес дейдилар, — деб керилди Зулайхо кибор билан.

Буни қарангки, оилали, бир нафар фарзанди бор, оқу қорани яхши ажрата оладиган ёшдаги қап-қалтага аёл Зулайхонинг димоғи нимадан бунча баланд экани бежиз эмаслигини фахр-ламас, аниқроғи, буни истамасди.

Хуллас, ўтган йилнинг октябрь ойи бошида Гулжамол «Қўйлик» бозорида яна Зулайхога дуч келиб қолди. Хизрни кўрган-дек, шошиб-суюниб, бойвачча опахони билан ялашиб-юлқашиб кўришди.

— Эмиратга кетувдим. Шошилиш ишлар чиқиб қолганди. Борганим яхши бўлди, зўр фойда қолди, — яна керилди Зулайхо. Сўнг қаршида ялтоқланиб турган Гулжамолни бир четга тортиб, унга шипшиди:

— Хуллас, бир кўрган таниш, икки кўрган билиш экан. Биз ҳам сен билан битта одамдай гапмиз. Хуллас, агар қўлингдан келса, сенга бир юмуш бор.

— Қандай хизмат бўлса, тайёрман, — ховлиқди Гулжамол.

— Хуллас, менга Бирлашган Араб Амирликларига борадиган қизлар керак. Гузал, чиройли бўлса, янаям яхши. Ҳар биттаси учун ўзинг ҳам яхшигина ҳақ оласан.

Агар бошқа аёл бўлганда Зулайхонинг бундай ифлос мақсадидан сесканиб кетган бўлармиди? Аммо Гулжамол ўйлаб-нейтиб ўтирмай, унинг бу таклифига жон-жон деб кўнди. Ва юқорида айтганимиздек, шу кундан бошлаб вазвасага тушиб қолди:

— Дейлик, Зулайхо менга ҳар бир қиз учун 500–600 доллардан тўлаганда ҳам, ҳеч бўлмаса иккита қиз топсам, 1000, тўрттаси учун эса 2000 доллар осмондан тушаркан. Тезроқ, тезроқ отни қамчиллаш керак! — ўйларди у ичда.

Аммо буларнинг барчаси Гулжамолнинг хом хаёллари эди. Орадан бир ой ўтгач, Зулайхонинг ўзи унинг уйига телефон қилиб қолди:

— Ҳўш, бизни «заказ» бўлдими?

— Опажон, ҳеч иложи топилмаяпти, қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, ахтардим... — қўйинди Гулжамол.

— Ҳа, бўпти-бўпти. Унда яхшилаб эшити ол: сен Хуршида деган аёлга бориб учраш. Унинг қўлида БААга кетмоқчи бўлиб юрган қизлар бор деб ашитгандим. Сен бориб, ўша қизларни Амирликка жўната олишингни айт. Лекин менинг номимни тилга олма. Бу ишда Шоира исмли опахоним кўмаклашади, дейсан. Чунки бизнинг ўша Хуршида билан сал келишмай қолган томонимиз бор.

Гулжамол шу заҳотиёқ Хуршидани излаб кетди. Ҳақиқатдан ҳам, 1964 йилда турилган, турмушдан ажрашган, икки нафар фарзанди бор Хуршида нимагадир бу бегона аёлнинг дабдурустдан «Араб амирликларига фоҳишалик билан шугулланиш учун қиз топиб беришда ёрдам сўраб», унга мурожаат этганидан унчалик таажубга тушмади.

— Ҳозир менда учта қиз бор, — деди Хуршида Гулжамол билан учрашгач. Бир қўшинининг синглиси ва унинг дугонасини чет элга бориб, яхшигина пул топиб келишларинг мумкин, деб гаплашиб қўйганман. Мана — қизларнинг паспортлари ҳам қўлимда турибди.


Хуршида шундай деб, С.Ким, А.Хай-

рутдинова, Д.Мустафиналарга тегишли фуқаролик паспортларини кўрсатди.

С.Ким ва А.Хайрутдиноваларнинг паспортларида дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш имтиёзини берувчи рўхсатномалар ҳам бор эди. Шунинг учун Хуршида Гулжамолдан ҳар бир қиз учун 1000 АҚШ доллари сўради.

Гулжамол тезда Зулайхога телефон қилиб, ўртадаги келишувни унга етказди. Зулайхо анча иккиликдан кейин ниҳоят ҳар бир қиз учун 1000 доллардан тўлашга рози эканлиги, аммо у бу пуллари Хуршидага қизларни БАА давлатига жўнатиб юборгандан кейингина бе-

✓ ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ



риши мумкинлигини айтади. Қизларнинг учиб кетиш

ҳаражатларини тўлашни эса ўз бўйига олади. Шунинг учун зудликда уларнинг паспорт нусхаларини унга жўнатишларини сўрайди. Хуршида аввалига анча тижирлик қилган бўлса-да, охири бу таклифга кўнди. Чунки у пулни олдин олиб, қизларни кейин харидорга топшириш ниятида эди.

Хуршиданинг таклифига қўниб, савдо пишиб қолганига қўзи етган Гулжамол шу заҳотиёқ Хуршидадан унга харидор топиб бергани учун қанча улуш ажратилишини сўрайди. Хуршида қўлига тегажак ҳар 1000 доллардан 200 доллар улуш ажратиб бериши мумкинлигини айтганда, Гулжамолнинг тарвузи қўлтисидан тушиб кетса-да, бунга рози бўлади.

Ниҳоят, шу йилнинг 21 январь куни Хуршида С.Ким, А.Хайрутдинова ва Д.Мустафиналар билан бирга Тошкент халқаро аэропортида учрашилади. Зулайхо эса Гулжамолга кўнгирак қилиб, унга қизларни аэропортнинг иккинчи қаватига олиб чиқишини сўраганда, бу гапдан хабар топган Хуршида қизлар учун пулни ҳозирнинг ўзида тўлашни талаб қилиб, туриб олади. Акс ҳолда қизлар БААга учмайди, деб шарт қўяди.

Албатта, Гулжамол зудликда бу хабарни Зулайхога унинг ўзи фойдаланиш учун берган сим карта ўрнатилган телефон орқали етказди. Аммо Зулайхо ҳам паст кетмайди: — Истамаса, қизлар Амирликка учинмайди. Лекин мен пулни ҳозир бермайман. Гап тамом, вассалом! — деб телефонни ўчириб қўяди.

Бу гапни эшитиб, синглисини хорижга кузатиб қўйиш учун аэропортга бирга келган С.Кимнинг опаси А.Ким "унда нега бизни бунча сарсон қилдиларинг?" деб жанжал кўтариб, ҳамма қизларнинг паспортини қайтариб беришни талаб қилиб, туриб олади.

Зулайхо эса барибир бўш келмасди. У қизларнинг ҳар бири учун олдиндан 100 доллардан, жами 300 доллар бериб қўйган авансни қайтартиришга, қизларнинг паспортини беришини айтади.

Ниҳоят, жанжалчилар муроасага келишди. Қизлар энди 2009 йилнинг 24 январь куни Тошкент аэропортига чиқишди.

Зулайхо билан Хуршида ахйри келишиб олишгач, С.Ким ва А.Хайрутдино-

валар аэропортнинг иккинчи қаватига кўтарилиб, у ерда Зулайхо юборган Толиб деган йигитдан ўзларига тегишли авиачипталарни олишди. Хуршида Зулайходан қизлар учун яна пул талаб қила бошлагандан кейин Зулайхо пуллари ва айрим сабабларга кўра чипта олинмай қолган Д.Мустафинанинг паспортини соат 11 ларга уларниқига ўзи етказиб беришини айтиб, кўндирди. Хуршида ва А.Ким эса унга ишонмай, гаров тариқасидан аёлнинг битта тилла узуги ва иккита тилла зирагини олиб кетишди. Бирок соат 16 ларда Зулайхо уларга телефон қилиб, қизлар БААга учмаганилиги, ўзи эса Тошкент аэропорти ТИИБ ходимлари томонидан қўлга олинганини айтади...

Фоҳишалик ортидан мўмай пул топиш вазвасига тушган бу аёлларнинг саргузаштлари шу тарзда, шу ерда, яъни қилинган жиноят турига қараб, панжара ортида ўз якунига етди. Судда жиноятчилар Гулжамол Абдуллаева ҳам, Хуршида Қайумова ҳам бу иш билан биринчи марта шугулланганиликлари ва ўз қилмишларидан пушаймон бўлганликларини билдиришди. Аммо бу аёлларнинг ҳар иккаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2-қисмининг "б, е, и" бандлари билан айбдор деб топилиб, уларга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳа, афсуски, ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Энг ачинарлиси, нимагадир чет элга ишга кетиш истагида юрган қизлар бундай таваккалчиликнинг оқибати кўп ҳолларда аянчли якун топиши мумкинлиги ҳақида озми, кўпми тасаввурга эга бўлишига қарамай, ўзларининг сотилишига ўзлари ҳисса қўшиб боришади. Кейин эса улар орасида "бизни алдашганди, билмагандик", деб турувчилар ҳам бор. Албатта, қонун ҳар бир фуқаро каби ана шу фоҳишалик билан пул топиш илнжиди БААга отланган бу қизларни ҳам ўз химоясига олиб, уларнинг "жонли товар" сифатида сотилиб кетиши, қолаверса, ҳаётининг фожеага айланмаслигининг олдини олиш учун курашади. Уларни муқаррар ҳалокатдан асраб ҳам қолади. Бирок барибир, энг аввало, қадимгилар айтгани каби "ҳар кимнинг инсофини ўзига бермаса" қийин экан. Чунинчи мўмай пул топиш вазвасига тушган бир эмас, бир неча аёлнинг энг жирканч ва ҳаттоки фожеали якун топиши мумкин бўлган йўлдан фақат энг сўнгги даққалардагина қайтишга қарор қилганларини юқоридаги воқеа мисолида кўргач, қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқдир.

Акмал Турсунов,
Тошкент авиация транспорт
прокурови, адлия маслаҳатчиси.
Дилфуза ҚЎЗИЕВА,
журналист.
(мақоладаги исм-шарифлар
ўзгартирилган)

✓ ОЙНАДАН ЎТКАЛАМА

СУПУРГИ

Супурги янгилигида уй бекасининг қўлидан тушмас, уйга гард ҳам кўндирмасди. Аста-секин эскириб, чўлтоқ супургига айланди. Уй бекаси энди уйни йиғиштираётганда супургини қарғайдиган, кейинчалик уни жаҳл билан бир четга улоқтирадиган бўлди. Бора-бора уни уй ичкарасига киритмайдиган ҳам бўлишди, у энди ташқаридаги ахлатларни йиғиштиришга ишлатиларди.

Бир куни кучли ёмғир ёғди. Супурги ҳовли ўртасидаги йўлакда ивиб ётарди. Уй бекаси ёмғирдан қочиб, ичкарига шошиб қадам ташларкан, беҳосдан сирғиб кетди. У йиқилмаслиқнинг сўнгги иложини қилиб, оёғини супургига қадади. Чўлтоқ супургининг боғичлари ечилиб, лойга мултоқ беланса-да, бекасини йиқилишдан сақлаб қолди. Ана шундагина уй бекаси лойга қорилган супургини тарновдан тушаётган ёмғир сувида чайқаб олди-да, ошхонага олиб кириб қўйди...

ТУЛУП

Эшмат қоровул мева-чевалар гарқ пишган полизига қушларни йўлатмаслик учун эски тулупнинг ичига похол солиб қаппайтирди-да, ҳодага қадаб, дала ўртасига ўрнатди. Кейин эса унинг бошига ичи ўйиб олинган қовоқни ҳам кўндириб қўйди. Энди тулуп жуда баҳайбат кўринарди. Қушлар ҳам полизга бир муддат йўламай қолишди. Лекин... Бир-икки кун ўтгач, ҳаммаёқни титпитини чиқариб ташлайдиган бир безбет майна тулуп бошига келиб қўнди. Қуруқ савлатда бирон ҳаракат сезилмагач, унинг бошига тумшугини қайраб, бор овози билан бошқа майналарни ҳам чақира бошлади.

Қушлар галаси полизга ёпирилди. Чумчуқлар эса тулупнинг ичига уя қўйиб, похолларни тўзғитиб тита бошладилар. Бир неча кундан кейин эса тулупнинг қорни пучайтиб қолди. Эшмат қоровул энди текин-томоқларни милтиқ отиб қувлашга мажбур бўлди.

Нормўмин ОЧИЛОВ

«VISION» — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ДЕТОКС

- ✓ Иммуитетни мустаҳкамлаш ва ошириш;
- Ўт пуфаги шамоллашида;
- Аллергик белгили кўринишларда;
- Узоқ давом этадиган нафас қисиш;
- Аденома ва простатитда;
- Аёлларда пайдо бўладиган шамоллаш касалликлариди;
- Остеохондрозда;
- Яраларнинг тез битишида;
- Жигар циррозидида яхши самара беради.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри,
Буёқ Ипак йўли кўчаси, 63 уй.
E-mail: djalilova1979@mail.ru
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(+998-97) 777-88-22

Махсулот сертификатланган №049449

Сабрина билан кўришиб, суҳбатлашганимга бир ой бўляпти. Аммо шу вақт ичда унинг сўзлари кулогим остидан кетмайди. Гузал ва маъсум чехрасида ташвиш, ҳорғинлик. Ёш бошидан кечган савдоларни гапириб бераркан, биллурдай кўз ёшлари ёноқларини ювиб тушарди...

...У зиёли, обрўли оилада вояга етди. Отаси ҳуқуқшунос, онаси ҳам ўқимишли, мулоҳазали аёл эди. Эл аро эътиборга эга бу оилага шахарда ҳавас қилмаган одам кам топиларди.

Албатта, шундай хонадоннинг қизи Сабринани келин қилишга орзумандлар сон-саноксиз эди. У билим юртини тамомлайдиган йили совчиларнинг қадами узилмай қолди. Раҳматли дадажониси ўзига маъқул келган оилага розилик берди.

Шу пайтгача ота-она измидан ташқари чиқмаган қиз бахт оstonасига қадам кўяётганига шубҳа қилмасди. Ахир йигит билан кўришди, хушсурат, гаплари маънили, қолаверса, Тошкентда нуфузли бир олий ўқув юртида ўқир экан. Худо хоҳласа, Сабрина ҳам ўқишни давом эттиради. Отаси каби ҳуқуқшунос бўлади.

Тўйнинг довуғи бутун шахарга ёйилди. Бир-бирларига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган келин-куёв гўёки малика ва шахзода эдилар.

— Илойим, борган жойингда униб ўсгин. Бахтли, иқболли бўлинглар! — дея кўзларидаги севинч ёшларини яшириш учун юзларига фотиҳа тортиди Бобур ака кўғирчоқ каби безанган қизининг пешонасидан ўпар экан.

Бу эзгу тилакка барча қўшилди. Ҳар бир қалбда ҳавас ила яхши тилаклар жўш урди.

Улар атиги уч кунгина бахт қасрида яшашди. Ногоҳ бу қасрга ажал отлиғ ёсуман назар солди. Куёв бўлиш Сардорбек Тошкентга — институтга қайтмаса бўлмасди. Чимилдикдаги келинчақдан кўнгил, узоқмай йўлга отланди.

— Икки кундаёқ қайтаман, — деди Сабринанинг бегубор араз ифодаси балқиб турган нигоҳларига боқиб. Сабрина турмуш ўртоғининг кўнглини хотиржам қилиш учун ҳам ширин жилмайди. Аслида эса кўнглида ғалат ҳислар, нохуш ўйлар тугён урарди. «Нахот, уч кунда унга шунчалар боғланиб қолдим? Нахот, ҳижрон деганлари шу бўлса? У кетса, бу бегона ҳовлида сонияларни, соатларни, кунларни қандай ўтказаман? Ишқилиб, эсон-омон бориб келсин...»

Оламда кўнглидан ўтиб тушадиган сезгир нарса бўлмаса керак. Сабрина турмуш ўртоғини кузатди, кўнгли ғашлиги баттар кўчаиди.

Тонгга яқин Сабринанинг кўзи илинибди. Сўнг беҳосдан чўчиб уйғониб кетди. Ташқари хонадаги телефон тинимсиз жиригларди. У қайнонасини уйғотмоқчи бўлганди, унчага қайнонаси келиб, гўшани кўтарди.

— Алло! Ҳа, ваалайкум-ассалом. Сардорбек? Нима?!..

Бир лаҳза ичда ҳамма оёққа турди. Фожеа содир бўлганини эшитиб, қайнонаси хушини йўқотди. Бироз вақт ўтиб, кечагина ўтган тўй ховури хали кетмаган ҳовлида мотам бошланди. Кечагина ёр-ёр, қуй-қўшиқлар садоси янграган хонадонда бугун онанинг фарёди кўкка ўрлади.

Сардорбек доводнда автоҳалокатга учраган эди...

Тушдан кейин унинг жасадини олиб келишди. Сабрина... Келинлик либосини уч кунда азалик кўйлагига алишди. Зар кўйлақлар кўздан панароқ жойга беркирилди. Безатилган келин-куёвнинг гўшаси гўёки зиндонга айланганди.

Сабрина нохуш туш кўраётгандай бўлар, тезроқ уйғонсини, дарвозадан Сардор акасининг келиб кириб келишини жуда-жуда истарди. Бирок...

Орадан уч кун ўтди. Марҳумнинг илк маъракаси ўтди. Шу кун Сабрина атрофга, одамларга кўз очиб қаради. У ўзига

маломатли алфозда боқиб турган кўзларини кўрди.

«Шумқадам! Сен келдинг, боламдан ажралдим!» — дерди қайнонасининг нигоҳи.

Қайнонасининг, қариндошлар нигоҳларида ҳам шундай ифода зоҳир эди. Нима бўлганини англаб, эндигина айриликни тан олган бева келинчақ бўзига неча кундан буён тош каби тиқилиб турган аламнинг оғриғига дош беролмади. У ҳам дод солди, фарёд урди. Айтиб-айтиб йиғлади. Бу азоблар қайси гуноҳи учун берилганини ўзидан, ўзгалардан-да сўраб йиғлади. Фотиҳага келган ёши улуг онахонлар унга таскин бердилар, сабр тиладилар.

✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Кечагина гул-гул яшнаб юрган қиз аста-секин сўлиб борарди...

Ниҳоят, у тақдирга тан берди. Ҳаёт синовлардан иборат эканига, курашиб яшаши даркорлигига имон келтирди. Ҳамма-ҳаммасини унутишга аҳд қилди. Аммо бу айтмоққа осон эди, бунинг учун ундан катта куч, сабр бардош, матонат талаб қилинарди.

Ўзини овутиш мақсадида ишга кирди. Бор меҳрини ишига бағишларди, бир

Шахло ТОШБЕКОВА

САБРИНАНИНГ САБР КОСАСИ



— Бу дунё синовли, болам. Сабрли бўлинг!

Аммо Сабрина исмли бу навниҳол уч кунлик бева келин сабрни кимдан, қаердан олсин? Айтишгагина осон эди бу.

— Одамларнинг кўзига сочингни юлиб, дод солганинг бефойда! Барибир болам тирилик келмайди. Кўзимдан сал нарироқ турсанг, яхши бўларди!

Қайнонанинг бу гаплари Сабринанинг вужудига баттар титроқ солди. Ўзини қандай қилиб унинг оёқлари остига ташлаганини билмай қолди.

— Ойижон, жон ойижон, мени қарғаман! Бунда менинг айбим йўқ! Ахир ким ўз бахтини ажал қўлига топширгиси келди, айтинг?! Ойижон...

Қайнонаси узун кўк либосининг этакларини бир силтади-да, ичкарига кириб кетди. «Унга ҳам қийин, ахир боласидан, паҳлавондай ўғлидан айрилди. Майли, чдайдман, нима десалар ҳам... Эртами индин мусибатга қўниқанларидан кейин меҳрлари ийиб қолар...»

Лекин бу хонадондаги жамики инсон унинг бу ўйдан кетиши тарафдори эди. Сабринанинг кўз ўнгига маҳалладошлари келди. Назариди, улар ҳам унга маломат тошларини отишга шай.

Сабрина учун энди барибир эди. Кисматида шундай кўргилиқлар битилганини, пешонаси шунчалар шўр эканини тан олишдан, бунга кўниқшидан бошқа иложи ҳам йўқ эди унинг. Бир ҳафтадан сўнг қарнай-сурнай, ёр-ёр билан келин бўлиб келган ҳовлисини тарк этди...

Сабрина учун кундуз билан туннинг фарқи, аҳамияти қолмаганди. Қоронғу хонасидан чиққиси келмайди. Онасининг далда, тасалли бериш мақсадида айтган гаплари қалбини юпатиш ўрнига баттар эзарди. Ухласа, тушларида ҳам кўнглисиз воқеаларни кўради, уйғонса кечаги кун кўргилиқлари азоб беради. Овқат туғул бир қултум сув томоғидан ўтмайди.

зум бўш қолишни истамасди. Бўш қолса, ўзини яна изтироблар ичда кўради-да!

Кунлар бир зайлда ўта бошлади. Ҳар қандай дардинг давоси вақт деганлари тўғри экан, Сабринанинг қалб яраси тўла битиб кетмаса-да, ҳарқалай, оғриқлари қамайди.

Бир кун иш юзасидан нуфузли бир ташкилотга боришига тўғри келди. Тай-ёрлайдиган ҳисоботларига зарур маълумотларни олиш учун бир бўлими эшигини тақиллатди. Ичкаридан «Кириш!» деган овоз келди. Сабрина эшикни қия очиб, изн сўради:

— Мумкинми?

— Марҳамат, кириш.

Сабрина салом-алиқдан сўнг ўзини таништирди.

— Беҳзод. Танишганимдан хурсандман, — дея ўрнидан туриб қўл узатди хона соҳиби ҳам...

Улар шу зайлда танишишди. Эртаси ва индинга ҳам Сабрина керакли кўрсаткичларни сўраш учун унга кўнгирак қилишга мажбур бўлди.

Беҳзод. Исми-жисмига монанд йигит эди. Ўқтам, келишган, бироз ўзига бино кўйганлигини айтмаса, беками кўст. Гапларни топиб гапирарди. Одамнинг кўнглига осонгина йўл топа оларди. Шу боисдан ҳам бошига қандайдир ташвиш тушиб, ҳанузгача тушкун кайфиятни ўзидан соқит қилолмаган, маҳзун ва маъсум қизнинг ҳаётига кириб олиши унчалик қийин кечмади.

Кун ярмидан оққан. Шаҳарнинг дим ҳавосидан кўнгли беҳузур бўлади. Кун билан ишлаб толиққан Сабрина бироз дам олиш мақсадида бошини юмшоқ ўриндик сунячигига ташлади. Шу пайт бино йўлагидан ҳамкасба қизларнинг чуғур-чуғури эшитилди.

(Давоми келгуси сонда)



ШАМОЛНИ БЎЙСУНДИРГАН ЙИГИТ

Шамол тегирмони ҳақида эшитгансиз. Буни қарангки, шамол ёрдамида электр қувватига ҳам эга бўлиш, шамол энергиясини ҳосил қилиш мумкинлиги ҳақида шу вақтгача ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмабди. Африканинг Малави давлати фуқароси Уильям Камквамба эса оддий



ташландиқ материаллардан шамол электростанциясини қўрди. Бешта шамол-генераторидан иборат бу қурилманинг ишлаш механизми шамол тегирмонини эслатади.

Бу станцияни қуриш гоёси Камквамбанинг ҳаёлига 2002 йилда келган эди. Ушанда 14 ёшли бу ўсмирни таълим маблагини тўлай олмагани учун мактабдан ҳайдашганди. Шунда у мустақил ўқиб-ўрганишга қарор қилди ва маҳаллий кутубхонага аъзо бўлди. Уильям шу ерда шамол варраги тасвирини кўриб, ундан тегирмон юргизил мақсадида фойдаланилгани ҳақидаги маълумотга эга бўлди. Шундан сўнг у китобдаги маълумотлар ҳақиқатми-йўқлигини синаб кўриш учун ва балки бу ҳаракатни электр қуввати ҳосил қилишга қаратиш керакдир, деган ҳаёл билан темир-терсақ ахлатлари ташланган майдонга йўл олди. У ердан мотоцикл гилдираклари, тракторларнинг турли ярқоқсиз қисмлари, пластик қувурлар, эски автомобил аккумуляторлари ва ҳоказо зарурий деталларни йиғиб олди.

Дастлабки шамол генераторини ясаш учун Камквамба уч ой вақт сарфлади. Кейин яна тўртта ана шундай генератор қўрди. Улардан бирининг баландлиги 11 метрни ташкил этарди. У ўз мақсадида эришди. Бу шамол-генераторлари Камквамба яшайдиган кўрғончини бемалол электр қуввати билан таъминлай олади.

Бир пайтлар мактабдан ҳайдалган Уильям Камквамба айна дамда ўзининг 22 ёшида Жанубий Африканинг элита мактаби ҳисобланмиш Африка лидерлар академиясида таҳсил олмоқда ва унинг таълим олиши учун энди ҳомийлар ҳам етарли.

Малавийлик йигитчанинг бу қурилмаси бутун дунё эътиборини тортиди. Электр энергиясининг экологик тоза манбалари заруриги ҳақидаги маърузалари билан машҳур бўлган АҚШнинг собиқ вице-президенти Альберт Гор ҳам Камквамбанинг кашфиётига хайрихоҳ бўлди. Associated press ахборот агентлигининг Африкадаги собиқ муҳбири Брайан Милер (Bryan Mealer) Камквамба ҳақида «Шамолни бўйсундирган бола» («The Boy Who Harnessed the Wind») номли китоб ёзди ва бу китоб АҚШда катта тиражда чоп этилди.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

“ТОРМОЗИ ИШЛАМАЯПТИ, ХОДИСА ҚОЧИНГЛАР!”

... Шу йил августнинг 28-санасида Андижонга хизмат юзасидан жунаб кетишимга тўғри келди. Бир ярим кунда ишим битта, аввал таксида Фаргона, кейин эса Кўкоргача “Мерседес-Бенц” кичик маршрут автобусида йўлга чиқдим. Машинада ўн чоғли йўловчи бор эди. Мен ҳайдовчининг ёнидаги ўриндикда жойлашгандим. Бироз юргач, шаҳардан чиқаришда жойлашган ДАН пости ходимлари биз чиққан машинани тўхтатди. Ҳайдовчи секин тезликни пасайтириб, тормозни босди. Машина анча ўтиб, чийиллаган овоз билан йўл четиға бориб тўхтади. Ранги оқариб кетган ҳайдовчи туша солиб йўл хавфсизлиги назоратчиси томонга чоғлиб кетди. Бироздан сўнг ҳовури босилиб, қайтиб келди. Мен унга қараб, “ака, тормозингиз ишламаётганга ўхшайди, бу аҳволда қандай йўлга қидингиз?” десаам, у бепарволик билан “ҳечқиси йўқ, оғайни, байрамолди, вақт бўлмади кўрсатишга, эртага тузатириб оларман” деб яна манзилга шошилди.

Оёғини педалга қаттиқ-қаттиқ босаётганидан сездимки, ҳақиқатдан ҳам тормоз умуман ишламаяпти! Ундаги саросималик бизга ҳам кўчди. Нима қилиш керак? Қандай йўл билан бу ношул ҳайдовчига ёрдам бериш мумкин?



Йўқ, минг афсусли, унинг “қочинглар, тормозим ишламаяпти!” дея бақиргани ҳам, бизларнинг жон талвасасидаги хатти-ҳаракатларимиз ҳам ёрдам бера олмади — “Мерседес-

Бенц” йўл устидаги ДАН биносига бориб урилди! Қарсиллаган овоздан сўнг мен ҳам ҳеч нарсага эслолмайман. Минг бора шўқри, кечга бориб, Кўкон шаҳридаги марказий касалхонанинг жонлантериш бўлимида ҳўшимга келиб, дўхтирлардан сўраган саволим шу бўлди: “Ҳеч ким нобуд бўлмади?”...

Хайриятки, кейин эшитсам, дерайли ҳамма йўловчилар турли даражада оғир ва энгил тан жароҳатлари олишибди, энг муҳими, тирик қолибмиз. Бунинг учун, албатта, бизларга яқиндан ёрдам кўрсатишга шошилган ДАН ходимлари ва йўловчиларга, қолаверса, кўконлик шифокорларга мингдан минг раҳматлар айтаман. Мени эса икки кундан сўнг қариндошларим пойтахтга олиб келишди. Лекин ҳалигача ўша даҳшатли(ишламаган бўлса-да) тормоз овози ва чорасиз қолган ҳайдовчининг рулни кўчқлаб йўллаган қиёфаси кўз олдимдан кетмаяпти...

Абдуҷаббор АҲМЕДОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳбиримизнинг ушбу ҳалокат билан боғлиқ кўнглисиз воқеа тафсилотларини (“Фаргона-Кўкон” йўналиши бўйича қатновчи машинанинг белги ва рақамлари, ҳайдовчининг исми-шарифи ва х.) тўлалигини лозим топмадик. Чунки айни пайтда Фаргона вилоятида ушбу ҳодиса юзасидан суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда. Ва уйлаймизки, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қонуний чора кўрилади.

Лекин масаланинг иккинчи бир жиҳати, яъни юқоридаги каби ҳолатлар айнан ҳайдовчиларнинг бепарволиги, тажрибасизлиги ва энг ачинарлиси, техник назоратнинг йўқлиги туфайли рўй бераётганлигидадир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг исталган ҳудудда йўловчи ташини бўйича хизмат кўрсатаётган автобус ва маршрутли мини-автобусларнинг техник ҳолатини назорат қилиш масаласида айрим муаммолар учрамоқда. Аксарият ҳолларда “хусусий” ёки “ижарага олинган” деган баҳоналар билан оддийгина техник кўриқдан ҳам ўтилмай “ўтди” дея рўхсат бериллаётганлари қай аҳволда — бу ҳам жумбоқ юрганлар йўқми? Бор, албатта. Аинан ана шундай инсофсиз, боқибегамлар сизу бизнинг ҳаётимизга хавф солмаслигига ким қафолат бера олади?

Ишонасизми, йўлда кетяпмизу, бу машинанинг ўн дақиқа аввал қай тарзда тўхтаганию ва энг ажабланилиши, ҳайдовчининг умуман парвойи палақилганини кўриб, ич-ичимдан хавотирга туша бошладим. Шундоғам ичи тор одамликни боис ваҳима босди, “тушиб қолсаммикан?” деган ўйда ҳам эдим. Лекин бошқа ҳамроҳларимнинг бепарволиги менгаям кўчди шекилли, ўзимни тинчлантиришга уриндим.

Қайда, ҳаммаси Кўкон шаҳрига озгина қолганида бошланди. Бир пайт яна олисдан ДАН маскани кўринди. Энди катта йўлдан носоз машинасини учуриб келаётган ҳайдовчи кутилмаганда довдираб қолди.

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

ФАРЗАНДЛАРИГА МЕҲР БЕРСАМ...

«Ушбу мактубни кўзимда ёш билан ёзаяпман. Бир ширининг:

«**Кимгадир мўл шодлик, текин ўлжадир, Кимгадир мисқолаб берилгуси бахт**», — деган сатрларини ўқиганман.

Телеэкранда ўз боласини ташлаб кетган аёл ҳақидаги турмуш сабоқларини кўриб, кечаси билан йиллаб чиққанман. Биз ҳам Олимбек билан севибди турмуш қургандик. Ажрашиб кетишимизни худойим кўнглимизга солганми, 8 йил бир-биримизни еру кўкка ишонмай яшадик. Дўхтирларнинг охириги ҳулосасига биноан, менинг фарзанд кўрмаслигим маълум бўлди. У эса ҳеч қачон ажрашишни истамасди. Мени хафа бўлмасин деб, ўзига қарши бориб, ҳатто укасининг боласини қўлига олмасди. Бу ҳол мени баттар қўйнарди. Охири бўлмади, ажрашиб кетдик. Ҳозир унинг фарзандлари бор. Менинг эса... **Ешим 41 да.** Маълумотим ўрта-маҳсус. Бирор сабаб билан хотинни вафот этган эркак учраса, фарзандларига оналик меҳрини бермоқчиман.

Соғяда, Наманган вилояти».

ҚИРҚИМДА ҚИРҚИЛМАЙИН ДЕЙМАН

«Турмуш ўртоғим бевақт оламдан ўтди. Икки норасида гулдак ҳам ота, ҳам она бўлдим. Ҳамиша онам ёнимда суянч бўлди. Яхши-ёмон кунларини бошимдан кечирдим. Болаларини оёққа қўйдим. Улар олий даргоҳларда ўқиди. Қизимни яхши жойга узатиб, ўлимни уйлантирдим. Не-

вараларим бор. Онам «мана, болаларинг узидан тинди. Энди кўзимнинг очкиқлигида диёнатли, қадринга етадиган бирон инсон учраса, турмуш қургин. Ёш умринг хазон бўлди-ку! Бу ёғини йўла, жон болам», — дейди. **Ешим 43 да.** Маълумотим олий. Нуфузли жойда хизмат қиламан. Агар тақдири менга қўшилган дилдош одам бўлса...

Нурия,
Тошкент шаҳри».

ОНАМНИНГ АЙТГАНИ БЎЛДИ

«Саломатта уйланишимга онам қарши бўлиб «Шамод бўлмас дарахтнинг учи қимирламайди, жон болам, таниган билган, у ҳақда «онасини бошпаноҳига хиёнат қилган дейишадил», дерди. Ҳар сафар қизи онасига ўхшамайди, дея уларни тинчлантирдим. Тўйдан сўнг онам Саломатнинг менга муносабатини, хушмуомалалигини, рўзгор тутумларини кўриб юмшади. Кетма-кет тўғилган бола-чақанинг ширин ташвиши бошланди. Қизларимизни эгаларига топириб, кўнглимиз тинчиди. Онам ўлимизнинг никоҳ тўйини кўролмай, бандаликни бажо келтирди. Саломат қуда-андали бўлганда феъли айниди. Маҳалла-қўй, яқинликлар олдида бош кўтаролмай қолдим. Кўргулик экан, у билан ажралишдик. Шунга ҳам беш йил бўлди. Онамнинг насихатига қулоқ тутганимда бу кунлар бошимга тўшмасмиди? Миллатим қозоқ. **Ешим 55 да.** Уй-жойим, топиш-тутишим етарли. Тошкент вилоятида яшайман. Мени тушунганидан, салоқатли аёлга уйланмоқчиман.

Абдували».

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — **эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.**

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳжата тез-тез чиқиш, пешоб келандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриги, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексепатолог, невропатолог, эндокринолог ёрамида барча дардлардан тезда фориг бўлишингиз мумкин.

Балогат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулум» метро бекати.
МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёт билан.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макياج — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўқил болалар учун. Салонда Каштачилик — 3 ой машинада вишичлар.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

Ўқинишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46
Котибият: 233-04-35
Реклама бўлими: 233-04-50

Web-site: oilavajamiyat.uz

Манзил: 700000 Тошкент — 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Бюуртма Г — 932. Формати А-3, ҳажми 4 табок. Адади — 9223 Навбатчи — Нигора РАҲМОНОВА Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609 2 3 4 5